Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 1 (962) • 2014-yil, 10-yanvar, juma

## Эзгу ниятлар остонасида

➢ Муносабат

Шукроналик туйиб яшашнинг ўзи катта бахт. Ватанингдан шукроналик, элингдан шукроналик, ўтаётган кунларингдан шукроналик.

Юртбошимизнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табригини тингларканман, ўтган 2013 йил ҳаммамиз учун хосиятли, баракали, шукуҳли, шукроналарга бой кечганлигини яна бир бор дилдан ҳис этдим. Ахир тинч юртда обод турмуш кечирганга нима етсин! Табрикда алоҳида қайд этиб ўтилганидек, бозор ва дўконларимиз расталари тўкин-сочин бўлиб, кўзни қувонтираётгани, нархнаво меъёрдан ошмагани халқимизнинг фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётганининг яна бир кўриниши-да.

Бирни кўриб фикр қил, деб бежиз айтишмаган. Ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз, дунё миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз ҳали ҳам давом этмоқда, не-не номдор давлатларда ишсизлик, ижтимоий ҳимояга ажратилаётган маблағларнинг кескин қисқариши, турмуш даражаси пасайиши кузатилмоқда.

2 ➢

## Фаолиятимиз жиддий кураш,

### изланиш ва кучли рақобатга асослансагина муваффақиятларга эришамиз

➢ Нуқтаи назар

Мамлакатимизда кўппартиявийликнинг юзага келиши ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги энг муҳим воқеалардан бири ҳисобланади. Аммо, гап партияларнинг сонида эмас, улар ўртасидаги соғлом рақобатда, ҳар бир партиянинг ўз платформаси ва дастурига эга бўлишида, одамларни, айниқса, ташаббускор, ҳаракатчан, изланувчан, замонавий билимларни чуқур эгаллаган ёшларни ўз ортидан эргаштира олишида. Фақат эргаштириш эмас, партия бундай ёшларга ўз истеъдодларини намоён этишлари учун зарур шароитларни яратиб бериши, ғайрат-шижоатларини қўллаб-қувватлаши керак. Бугун шунчаки қуруқ сўзлар, ваъдалар, умумий шиорлар билан бундай мавқега эришиб бўлмайди. Ҳар бир тадбир реал ҳаётга, одамларнинг қувонч ва ташвишларига, моддий ва маънавий эҳтиёжларига мос бўлиши керак.

3 ➢

## Жамоатчилик экологик назорати —

### атроф-муҳитни муҳофаза қилиш гарови

➢ Қонун кучга кирди

Мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлининг илк кунларидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Ўтган йилларда Президентимиз раҳнамолигида мазкур йўналишда кенг қамровли ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилиб, мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари яратилди, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишнинг барқарор механизми шакллантирилди.

Юртимизда соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи ўттизга яқин қонун ҳамда 350 дан ортиқ қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги ва амалда қўлланилаётганлиги бунинг далилидир. Шу билан бирга, собиқ иттифоқ davридан "мерос" қолган ва узоқ йиллар давомида вужудга келган экологик муаммоларни бугунги кунда фақат давлатнинг бу соҳага масъул органлари кучи билангина ҳал этиб бўлмаслиги аён. Зеро, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги вазифаларнинг миқёси ва кўлами мамлакатимиз ҳамда минтақада экологик ҳолатни соғломлаштириш муаммоларини комплекс ҳал этишда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб этади. Бинобарин, фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

2 ➢

➢ 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни



Мустақиллик йилларида туғилиб вояга етган, мамлакатимиздаги лицей ва коллежларда энг замонавий таълим-тарбия олган йигитлар армия сафларига кириб келмоқда. Улар замонавий ахборот, компьютер технологияларини, хорижий тилларни пухта эгаллаган ва энг асосийси — ҳаёт ҳақида ўзининг мустақил фикри ва қарашига, ахлоқий-маънавий қадриятларига эга бўлган ёшлардир.

Ислом КАРИМОВ

Ҳар йили 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни мамлакатимизда катта тантана қилинади. Бу йил ҳам анъанага кўра Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни байрамини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

## Осуда ҳаётимизнинг ишончли кафолати

Ҳар қандай давлатнинг мустақиллиги, халқнинг эрки унинг ўз армияси, Қуролли Кучлари томонидан ҳимоя қилиниши керак. Зотан, ўз истиқлоли ва озодлигининг қадрини билмайдиган, уни ҳимоя қилолмайдиган, бунга куч-қурби етмайдиган миллат ҳеч қачон эркин яшай олмайди, кимгадир итоат этишга, бўйин эгишга мажбур бўлади.

Истиқлол йилларида миллий армиямизни тубдан ислоҳ қилиш натижасида Ватанни ҳимоя қилиш шарафли касбга айланди, ҳарбий хизматчиларнинг нуфузи ортди.

Таъкидлаш жоизки, Қуролли Кучлар тизимини ислоҳ қилиш унинг ҳуқуқий асосларини яратиш билан чамбарчас боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимиздаги ҳарбий соҳа ислоҳотлари билан боғлиқ стратегик мақсадларга эришишнинг муҳим ҳуқуқий пойдевори бунёд этилди.

4 ➢

## Замон билан ҳамнафас партиядошимиз

### фаол ва изланувчан, фидойи опа-сингилларимиз ўртасида ўтказилган анъанавий миллий танлов ғолиби бўлди



➢ "Йил аёли — 2013"

Бугунги ўзбек аёли ўзида кўплаб гўзал ва олижаноб фазилатларни мужассам этган. У аввало оилада севимли бека, бир-биридан ширин фарзандларнинг меҳрибон онажониси, ишхонасида фаол ва изланувчан мутахассис, жамиятда эса соғлом фикрлайдиган, юрт истиқболи, мамлакат тараққиёти учун фидокорона меҳнат қиладиган улуғ ва муҳтарам зот.

Озод ва обод юртимизнинг дилбар гўшаси бўлган Андижон вилоятида ҳам хотин-қизларнинг мавқеини ошириш, жамият ҳаётидаги иштирокини кучайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга муҳим эътибор берилмоқда. Замон билан ҳамнафас иш юритаётган андижонлик аёллар ҳақида гап кетганда ҳар томонлама сариштали, тадбирлари режали, ишлари унумли опа-сингилларимиз беихтиёр кўз ўнгимизда гавдаланади.

3 ➢

## Ҳилол НАСИМОВ:

## «Ватанни ҳимоя қилиш — энг олий бурч»

➢ Таҳририят меҳмони

Бугунги меҳмонимиз сўнгги пайтларда санъатсевар халқимиз севиб томоша қилаётган ўткир сюжетли, ижтимоий долзарб муаммоларни ўз ичида қамраб олган қатор фильмларнинг саҳналаштирувчи режиссёри, "Эътироф-2013" танловида йилнинг энг яхши кинорежиссёри номинацияси бўйича ғолиб деб топилган Ҳилол Насимов. Биз истеъдодли кинорежиссёр, актёр билан экранларимизда акс этаётган замонамиз қаҳрамонлари, ёшларда "оммавий маданият" хуружларига қарши маънавий иммунитетни шакллантириш каби долзарб мавзуларда суҳбатлашдик.

8 ➢




➢ Сарҳисоб

## Депутатлик портфелида сессия учун таклифлар борми?

### Бор! Фақат у электорат манфаатлари ҳимоясига йўналтирилиши лозим

Одатда йил сарҳисоби нафақат иқтисодиётда, балки ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида ва, албатта, кўппартиявийлик шароитида ўзаро рақобатга асосланган сиёсий фаолиятда ҳам зарур хусусият, ўзига хос мезон ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, 2013 йил сарҳисоби Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Самарқанд вилояти кенгаши ва партиянинг маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари учун муайян хулосалар чиқаришга имкон беради. Хўш, вилоятда партиянинг депутатлар билан ҳамкорлиги қандай, депутатлик гуруҳларининг ваколатлари дастурий вазифалар ижросини таъминлаш учун тўлиқ ишга солинаяптими?

2 ➢

ADOLAT
№ 1 (962) 2014-yil
10-yanvar, juma

# Жамоатчилик экологик назорати —

## атроф-муҳитни муҳофаза қилиш гарови

Давоми. Боши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни таклиф қилган эди.

Яқинда кучга кирган "Экологик назорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ушбу соҳада белгилаб берилган устувор вазифаларнинг амалдаги ижроси бўлди.

Шу ўринда эътибор қаратиш лозимки, ҳозирда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида қўлланилаётган барча қонунлар таҳлилига кўра, уларнинг кўпчилигида асосан давлат ва идоравий экологик назорат юзасидан нормалар белгиланган. Айрим қонунларда жамоат назорати ҳақида нормалар бўлса-да, бироқ бу назоратнинг турлари ва амалга ошириш усуллари (механизми) белгилаб берилмаганлиги бундай нормаларнинг етарли даражада самарали ишлашига имкон бермас эди.

4 боб, 27 моддадан иборат "Экологик назорат тўғрисида"ги қонуннинг асосий мақсади экологик назорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, давлат муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТ ва бошқа жамоат ташкилотларининг мазкур соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштириш, атроф-муҳит муҳофазаси ва соғлиқни сақлашда муҳим давлат дастурларини амалга оширишдан иборатдир.

Хусусан, қонун ҳужжатида экологик назорат тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унинг асосий вазифаси, принциплари, экологик назорат соҳасидаги давлат сиёсати йўналиши белгилаб берилди. Шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолият самарадорлигини оширишда ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТ ва фуқароларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Бу билан фуқаролик жамияти институтларига (ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТ) экологик назоратни амалга оширувчи субъектлар сифатида уларнинг ваколатлари қаторига атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш, экология соҳасидаги дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, атроф-муҳит ҳолатини кузатиб бориш каби ҳуқуқлар берилмоқда. Қонунда ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларига экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари тизимини шакллантириш ҳуқуқи берилганлиги эса янада аҳамиятлидир.

Таъкидлаш лозимки, "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳасини жамоатчилик орасида кенг муҳокамалардан ўтказиш мақсадида бир қатор матбуот нашрлари ва жамоат ташкилотлари интернет сайтларида эълон қилинганлиги қабул қилинажак қонуннинг аҳамиятини ошириш билан бирга, унинг ҳаётбахшлигини, узоқ йиллар давомида экологик назоратни амалга оширишда дастуриламал бўлиб хизмат қилишига замин яратди. Мазкур тажриба самараси ўлароқ, қонун лойиҳаси муҳокамалари якунлари бўйича уч мингдан зиёд фикрлар, таклиф ва шарҳлар келиб тушди. Шу билан бирга, сиёсий партиялар фракциялари томонидан қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича қарийб 200 та таклифлар киритилди ва бу жараёнда фракциядошларимизнинг иштироки ҳам катта бўлиб, қатор таклифларимиз инобатга олинди.



**Тўлқин АБДУСАТТОРОВ,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

Чунончи, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси экологик назоратни, атроф-муҳитни ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида мамлакатнинг барча ҳудудларидаги ҳолатнинг мониторингини амалга ошириш, назорат фаолиятини мувофиқлаштириш механизмини яратиш, давлат органлари, экологик нодавлат нотижорат ташкилотлари, идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назорат хизматлари ваколатларини, ушбу соҳада улар томонидан ўз вазифаларини амалга ошириш тартибини белгилаш долзарб масала, деб ҳисоблайди.

Эътироф этиш ўринлики, ушбу қонуннинг қабул қилиниши билан экологик назоратни амалга оширишга жамоатчиликни жалб этиш ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтларининг, қолаверса, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масаласида қатнашиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш, шунингдек, ушбу соҳадаги қонунларнинг ижросини таъминлашга ва жамиятнинг турли қатламларини ва давлат тузилмаларини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик муаммолар ечимини топишга жалб этган ҳолда экологик назорат тизимини татбиқ этиш имконияти яратилди.

Қонуннинг ўзига хос жиҳати шундаки, бу билан миллий амалиётимизга жамоатчилик экологик назорати кенг кўламда татбиқ этилмоқда. Унинг субъектлари сифатида фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар белгилаб қўйилмоқда. Улар ўз ваколатлари доирасида тегишли ҳудудда атроф-муҳит муҳофазасига оид қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширади, фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаётига хавф солувчи фавқулодда вазиятларни кузатиб бориш ва олдини олиш, аниқлашнинг самарали тизими яратилишида қатнашадилар. Фуқаролар йиғинлари экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органига таклифлар киритишда иштирок этадилар, ижро ҳокимияти органлари, тегишли ҳудудда жойлашган муассаса ва ташкилот раҳбарларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитади ҳамда уларнинг натижалари бўйича қарорлар қабул қилади. Бу, шубҳасиз, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва аҳамиятини янада оширишга, жамоатчилик тузилмаларининг атроф-муҳит муҳофазасида ҳамда экологик вазиятни яхшилашдаги иштирокини фаоллаштиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, экологик назорат тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликнинг белгилаб қўйилаётганлиги ҳам шубҳасиз соҳада қонун устуворлигини таъминлашга асос бўлади.

Ушбу қонуннинг яна бир муҳим жиҳати, у барқарорлик, тарихийлик, замонавийлик ҳамда халқаро талабларга мос бўлиб, унинг нормалари, принциплари экологик аҳамияти узоқ муддатли даврни ҳисобга олиб қабул қилинганлигидадир.

Шу билан бирга мазкур ҳуқуқий ҳужжат "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун нормаларини амалга оширишни таъминлашга йўналтирилган бўлиб, табиий ресурслардан мутаносиб фойдаланиш ва уларни қайта ишлаш, фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиш, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш масалаларини ҳал қилишда фуқаролик жамияти институтларини фаоллаштиришга хизмат қиладиган мамлакат экологик сиёсатининг асосий принциплари ва моҳиятини аниқлаб беради.



# Эзгу ниятлар остонасида

Давоми. Боши 1-бетда

Шундай бир шароитда, ўзимизча айтганда, илиги тўқ, иқтисодий ўсиш йилига 8 фоиздан кам бўлмаётган, бюджет маблағининг деярли 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилаётган мамлакатда яшаётганингга шукроналар айтмай бўладими?! Бундай юқори кўрсаткичга дунёнинг саноқли мамлакатларидагина эришилаётганини ҳам кўриб турибмиз-ку.

Айниқса, кириб келган йилимизнинг "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши биз шифокорлар учун алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Зеро, болаларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши, уларнинг бахту иқболини кўриш ҳар бир ота-онанинг, жамиятнинг эзгу матлаби. Шундай экан, ниҳолдек нозик фарзандларимиз комил инсонлар бўлиб вояга етиш жараёнида биз ўзимизнинг масъулиятимизни янада оширишимиз зарур бўлади.

Бу дунёда фарзанддан ортиқ бахтнинг, неъматнинг ўзи йўқ. Айниқса, ўзбекдек болажон халқ учун. Ватанимиз микёсида эртамиз эгаларининг соғлом вояга етишлари учун алоҳида эътибор қаратилмоқда, ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Энг асосийси эса, соғлом насл, соғлом болалар масаласи ҳамиша давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий эътиборида бўлиб қолади.

Биз янги йилни эзгу ният-истаклар, ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик ва қатъий ишонч билан бошладик. Демак, астойдил қилинажак меҳнатларимиз самаралари ўлароқ, янги-янги муваффақиятларга эришамиз. Бунга бизнинг ишончимиз комил.

**Дониёр ҚОСИМОВ,**
Республика онкология илмий маркази клиникаси бош шифокори, Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзоси

# Депутатлик портфелида сессия учун таклифлар борми?

## Бор! Фақат у электорат манфаатлари ҳимоясига йўналтирилиши лозим

Давоми. Боши 1-бетда

Мухбиримиз шу ҳақда партиянинг халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Шуҳрат Жамолов билан суҳбатлашди.

***— Аввало депутатлик гуруҳи раҳбари сифатидаги фаолиятингизга янги йилда янги омад ва изланишлар тилаган ҳолда сизни ҳамда вилоятдаги барча партиядошларимизни хушхабар билан табриклашни лозим топдик...***

— Ҳа, Самарқанд вилояти партия кенгаши 2013 йил сарҳисоби бўйича Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши томонидан ўтказилган танловда "Энг намунали ҳудудий партия ташкилоти" номига сазовор деб топилганини эслатмоқчи бўлганингиз учун ташаккур. Аслини олганда, жамиятни ривожлантиришда сиёсий партиялар зиммасига бугунги кунда қўйилаётган талаблардан келиб чиқадиган бўлсак, партиявий фаолиятга нисбатан берилган ижобий баҳо, эътирофнинг ўзи катта гап. Бу ишонч партия дастуридаги янада долзарб, салмоқли вазифаларни муҳокамалар марказига олиб чиқишга, қулай ечимлар таклиф этишга ундайди.

***— Депутатлик портфелида кеча қандай таклифлар бор эди-ю, у қай тариқа ечим топди? Бугунчи?***

— Партиянинг вилоят кенгашидаги депутатлик гуруҳи фаолияти 2013 йилда самарали бўлганлигини таъкидлашни истардим. Чунки бир йил ичида гуруҳ таклифи асосида халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши сессияларида иккита муҳим қарор қабул қилинди. Булардан бири — вилоятда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш, хусусан, боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришнинг янги истиқболларини белгилашга хизмат қилган бўлса, иккинчиси қуёш энергияси станциясини барпо этиш учун ҳуқуқий асос сифатида тан олинган таклифимиздир. Боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришга оид сессиянинг тегишли қарори бўйича ўнлаб фермер хўжаликларига интенсив боғ барпо этишнинг молиявий, техникавий имкониятлари муҳайё этилмоқда. Бугунги кунда боғдорчилик ва узумчиликда юқори самарадорликка эришиш имконини берадиган янги, томчилатиб суғориладиган интенсив экин майдонларининг 80 фоизи Самарқанд вилоятида жойлашганлигини назарда тутадиган бўлсак, соҳанинг истиқболи учун вилоятда кўп иш қилинаётганлигини сезиш мумкин. Шу ўринда депутатлик гуруҳи таклиф билдириши, қарор қабул қилинишига эришиш билан кифояланмай ижрони назорат қилиш билан ҳам жиддий шуғулланаётганлигини таъкидлашни истардим.

***— Айни шу масалада, яъни депутатлик назоратининг самарадорлиги ҳақида мулоҳаза юритсак. Айтинг-чи, уни таъминлаш учун ваколатлар қай даражада ишга солинаяпти-ю, қайси соҳаларда назоратни кучайтириш зарур, деб ҳисоблайсиз?***

— Даставвал шуни айтиш лозимки, депутатлик назоратини амалга оширишда электорат ва сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилиш истагидан келиб чиққан ҳолда партия кенгаши билан ўзаро ҳамфикрлик бор. Ўтган йил давомида ижро ҳокимиятининг қатор бўғинларидаги раҳбарларнинг ҳисоботи эшитилгани, бошқарма, ташкилотлар номига ўнлаб депутатлик сўровлари киритилгани, жойлардаги муаммоли масалалар доимий комиссиялар муҳокамасига олиб чиқилгани ҳам электорат манфаатларини кўзда тутади, десак сира янглишмаймиз.

Хусусан, сайловчилар билан учрашувларда кўтарилган масалалар ичида ўз аҳамиятига кўра долзарблигини назарда тутган ҳолда депутатлик гуруҳи томонидан вилоят электр тармоқлари ОАЖ корхонаси раҳбарининг ҳисоботи эшитилди. Шу тариқа соҳага йўналтирилган маблағ ва инновацион ишланмалардан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш борасида вилоятда амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилиб, тегишли хулосалар билдирилди. Аҳолини, ижтимоий соҳа объектларини электр энергияси билан таъминлашдаги узилишларга чек қўйиш учун биринчи навбатда ҳал этилиши зарур бўлган вазифалар ижроси назоратга олинди.

"Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси синови бўйича Самарқанд вилоятида ўтказилган ҳуқуқий эксперимент доирасида ҳам ижро ҳокимиятининг турли бўғинларидаги раҳбарларнинг ҳисоботи эшитилгани депутатлик назорати самарадорлигини таъминлади. Хусусан, вилоят ҳокимининг ўринбосари М.Нурқулов ва Самарқанд шаҳар ҳокими ўринбосари Ж.Ўроқовнинг депутатлик гуруҳи муҳокамасига тақдим этган ҳисоботлари танқидий ўрганиб чиқилди ҳамда тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

***— Демак, вилоятнинг аксарият ҳудудларида ижро ҳокимияти устидан депутатлик назоратини кучайтириш** зарур, деб ҳисоблаяпсиз...*

— Ҳамма гап ишнинг самарадорлигида, ваколатга хос ва мос чора-тадбирларни қўллай олишда. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда депутатлар бошқарув фаолиятини соғлом қарорлар қабул қилиниши ва ижро этилиши учун мунтазам назорат остига олишлари зарур. Зотан, муҳтарам Президентимиз мамлакат Конституциясининг 21 йиллиги муносабати билан ўтказилган маросимда сўзлаган маърузасида депутатлардан айни шу масалада кўпроқ талабчанлик ва қатъият кўрсатишни сўраганликлари бежиз эмас. Нурободда туман ҳокими ўринбосарининг ҳисоботи маҳаллий кенгашдаги депутатларимиз томонидан ўз вақтида эшитилгани, Ургутда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази раҳбарининг ҳисоботи партиянинг туман кенгашидаги депутатлари тарафидан танқидий баҳолангани бошқарув фаолиятига доир соғлом қарорлар қабул қилинишини рағбатлантираяпти, десам хато бўлмас.

***— 2014 йилдаги сиёсий фаолиятни "Адолат" СДПнинг вилоят кенгаши маҳаллий ҳокимиятнинг вакиллик органларидаги 52 нафар депутат билан давом эттираётганлиги электоратга яхши маълум. Чунки 2013 йилда маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган такрорий сайловларда партиянинг яна 8 нафар номзоди ғолиб чиқиб, депутатлар сафини мустаҳкамлади. Бироқ бу депутатлик гуруҳларининг кўнгилдагидек ишлаётганлигини англатмаса керак?***

— Албатта, олдимизда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид дастурларга реал таклифлар бериш, қабул қилинган қарорлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишдек улкан вазифалар турибди. Бусиз биз кўзланган мақсадларимизга эриша олмаймиз. Тўғри, вилоятнинг Ургут, Пастдарғом, Самарқанд туманларида маҳаллий кенгаш депутатларининг бевосита иштироки ва кўмагида тадбиркорлар учун тижорат банклари томонидан ўнлаб саноқли кредитлар ажратилгани, коммунал, транспорт соҳасидаги муаммолар енгиллаштирилгани сабабли вилоятда партиямиз томонидан илгари сурилган номзодлар сони бирмунча ошди. Аммо бу бизни хотиржам бўлишимизга асос бўлолмайди.

***— 2014 йилнинг Президентимиз томонидан мамлакатимизда "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши шахсан сиз ва партиядошларингиз, депутатлик гуруҳи учун қандай маъно, масъулият касб этмоқда?***

— Инсон омили, унинг ҳаётий эҳтиёжлари учун доимий ғамхўрлик социал-демократларнинг асосий ғояси эканлигини назарда тутадиган бўлсак, давлатимиз раҳбарининг қарорини амалий ишларимиз билан астойдил қўллаб-қувватлаймиз. Эътибор берсангиз, Самарқанд вилоятида ўтган йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш йўлида ибратга лойиқ ишларга қўл урилди. Бунинг инъикоси сифатида вилоятнинг энг олис қишлоқларида ҳам замонавий диагностика ускуналари билан жиҳозланган мутлақо янги даволаш-тиббиёт масканлари ишга туширилди. Ўнлаб муҳташам спорт-соғломлаштириш иншоотлари барпо этилди. Битта рақамни таъкидласам: ўтган 2013 йилда оилалардаги репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш мақсадида ярим витамин ҳолидаги 8 миллиард сўмлик дори-дармонлар ўз эгаларига бепул тарқатилди. "Соғлом бола йили" ана шу ғамхўрликларнинг мантиқий давоми сифатида ижро ҳокимияти, депутатлар, сиёсий партияларнинг диққат марказида бўлади.

***— Демак, янги 2014 йилда шуғулланиладиган вазифалар кўлами янада кенг, аҳамияти долзарб. Боз устига мамлакат парламентига, маҳаллий кенгашларга сайловлар йили. Айтинг-чи, йил масъулияти сиз ва партиядошларингиз томонидан қандай ҳис этилаяпти?***

— Бир сўз билан айтганда, масъулият чуқур ва тўлақонли ҳис этилаяпти. Чунки вилоят партия кенгаши ва унинг депутатлари ўтган йил давомида кўпгина амалий ишларга қодир эканлигини исботлашди. Эндиги вазифа маҳаллий кенгашлардаги барча депутатлик ўринларини сақлаб қолган ҳолда улар сафини янги номзодлар ҳисобига кўпайтиришдан иборат. Шахсан ўзим 54-Бешёғоч сайлов округида сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувлар чоғида уларнинг янги номзодга қўймоқчи бўлган талабларини олдиндан билишга, ўрганишга, ҳал этиш йўлларини излашга уринаяпман. Шундай муносабатни маҳаллий кенгашлардаги аксарият депутатларимизнинг фаолиятида сезиш мумкин. Демак, партиялараро сиёсий рақобат мавсум танламаслиги, танаффус билмаслиги боис сайловчилар ишончини қозониш учун ҳам депутат доимо ҳозиржавоб, ишчан, аниқ мақсадга эга, қатъиятли инсон бўлмоғи лозим.

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
«Adolat» мухбири

# Фаолиятимиз жиддий кураш,

## изланиш ва кучли рақобатга асослансагина муваффақиятларга эришамиз

Давоми. Боши 1-бетда

Фаолиятимиз моҳияти асли жиддий кураш, изланиш, кучли рақобатдан иборат. Бу жараён тўғри ташкил этилса, миллий тараққиётга эришишнинг турли йўл ва усуллари хусусида соғлом баҳс-мунозара олиб борилса, энг тўғри, самарали ва тежамли ечимларни топиш, халқ манфаатларига хизмат қиладиган қарорлар қабул қилиш имконияти янада кенгаяди. Партияларнинг обрў-эътибори, мавқеи хусусида гапирганда шуни очиқ эътироф этиш мумкинки, бу нарса етакчиларнинг иш услуби, сиёсий етуклиги, муомала маданияти, ишбилармонлиги билан бевосита боғлиқ. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, етакчи аввало ўзига, ўзининг салоҳиятига аниқ ишонган, принципиал одам бўлиши керак. У ўзининг партияси, тарафдорлари нимани хоҳлашини аниқ тасаввур этиши ва бу мақсадларни амалга ошириш учун чуқур тайёргарликка, мустақил фикрга эга бўлиши зарур.

Жиззах вилоятида "Адолат" социал-демократик партияси аъзолари сони уч минг кишидан ортиқ, уларнинг 1240 нафари 30 ёшгача бўлган йигит-қизлардир. Уларнинг аксарияти мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишга қатъий бел боғлаган турли касб эгалари, ёш мутахассислар бўлиб, партиянинг бошланғич ташкилотлари етакчилари улар томонидан билдирилаётган таклиф ва ташаббусларга алоҳида эътибор бериши, энг муҳимларини қўллаб-қувватлаши, танқидий мулоҳазаларини диққат билан эшитиши, турли ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун тегишли чора-тадбирлар белгилаши зарур.

Тасаввур қилинг: бир гуруҳ фаоллар партия ҳаракат дастурида кўзда тутилган бирор вазифа юзасидан ташаббус бошлашди дейлик. Етакчи бунга ўз вақтида муносабат билдирса, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ёки туман кенгашлари сессияси кун тартибига олиб чиқиб, муҳокамага қўйса, тегишли қарор қабул қилинишига эришса, бу нарса ташаббускор фаолларда ўзларига нисбатан ишонч туйғусини янада оширади. Бордию бунинг акси бўлса, ташаббускорлик, куюнчаклик кайфияти ўз-ўзидан сўнади-қолади.

Биргина мисол, вилоят кенгашининг 2013 йил 11 декабрда бўлиб ўтган сессиясида "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи томонидан кун тартибига таклиф этилган "Вилоятда электр энергиясини тежаш мақсадида муқобил энергия турларидан фойдаланишни жорий этиш ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш тўғрисида"ги масала муҳокама этилди ва тегишли қарор қабул қилинди. Бу — яхши, албатта. Бироқ, вилоят ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида ҳал этилиши, партиявий эътибор кучайтирилиши лозим бўлган муаммолар оз эмас. Ваҳоланки, партиямиз сайловолди дастурида уй-жой коммунал комплекси фаолиятини янада яхшилаш, аҳолини сифатли хизматлар билан таъминлаш, соҳага инновацион технологияларни жорий этиш, маҳаллий дастурлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, таълим муассасаларини тамомлаган ёш мутахассислар ҳақида ғамхўрлик қилиш, тиббий ёрдам сифатини янада ошириш каби вазифалар юкланган. Аммо бу борада халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимизнинг ташаббускорлиги ўта суст бўлди. Тан олиш керак, депутатларимиз ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига таклиф беришдан кўра, маиший муаммоларни ечиш билан кўпроқ овора бўлиб қолаяптилар. Вилоят партия кенгаши ишчи гуруҳи томонидан 2013 йилнинг июнь ойида қатор туманларда партия депутатлик гуруҳлари фаолияти ўрганиб чиқилди. Таҳлил шуни кўрсатдики, ўтган давр мобайнида депутатлик гуруҳлари томонидан жойларда қонунлар ижроси, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларининг амалда қўлланилиши, қонунчиликда белгиланган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, ташкилий-услубий, назорат-таҳлил фаолиятидаги иштироки, сайловчилар ва электорат билан ишлаш, уларнинг қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқ ва ваколатларининг амалга оширилишида муайян камчиликлар мавжуд.



Рустам ТЎЙЧИЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилояти кенгаши раиси вазифасини бажарувчи

Шу боис Президентимизнинг мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллигига бағишланган тадбирдаги маърузасидан келиб чиқадиган хулосаларга бағишланган Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ва парламентдаги фракциясининг қўшма мажлисида партияларнинг таянч нуқталари ҳисобланган бошланғич партия ташкилотларидан то парламентдаги фракция фаолиятигача бўлган тизимни янада мустаҳкамлашга қаратилган хатти-ҳаракатларни кучайтиришга йўналтирилган қарорларнинг қабул қилиниши бежиз эмас, деб ўйлайман.

Бўлғуси сайловлар олдидан сиёсий майдонда ишлашга тайёргарликни ошириш, парламентда фракциялараро рақобатни, сиёсий курашни кучайтириш, сиёсий институтлар олдига қўйилаётган вазифаларни ҳис этишдаги бирламчи масалалар нималардан иборат, ҳудудий партия ташкилотлари ишини кучайтиришда фойдаланилмаётган қандай омиллар бор, кучли ва айни пайтда заиф нуқталарни аниқлаш учун нималарга эътибор қаратиш муҳимлигини аниқлаб олишимиз талаб этилмоқда. Негаки, 92 мингдан ортиқ аъзони бирлаштирган Ўзбекистон "Адолат" СДП ўз электорати манфаатини етарлича ҳимоя қила олмаётир. Бу борада, айниқса, депутатлар корпуси, депутатлик гуруҳлари фаолиятининг сустлиги яққол кўзга ташланаётир.

Шу билан бирга жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантириш вазифаси долзарб бўлишига қарамай, жамоатчилик назоратини ўрнатиш, партия фаолиятида кадрлар захирасини шакллантириш масалаларига эътиборни кучайтиришимиз керак. Маълумки, мамлакатни янгилаш жараёнида кадрлар тайёрлаш масаласи асосий ўринни эгаллайди. Кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимисиз ҳеч бир сиёсий партия ўзининг дастурий мақсадларини ҳаётга татбиқ эта олмайди.

Аҳволни ўнглаш учун, аввало, кадрлар соҳасидаги сиёсатни, айниқса, жойларда кадрлар танлашнинг усул ва услубларини қайта кўриб чиқиш, янгича фикрлайдиган, фаол, юксак эътиқодли маслакдошларни партия фаолиятига жалб этиш, ёш кадрларни тарбиялаш ишини тизимли равишда олиб бориш зарур.

Социал-демократик ғоя ва мақсадларимизнинг туб моҳиятини етарлича тушунтиролмаётганимиз, бу борада сусткашликка йўл қўйилаётгани туфайли ҳам одамларни партия сафига жалб қилишда муайян қийинчиликлар пайдо бўлаётир.

Бизнингча, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия гуруҳлари, қуйи тузилмалар, айниқса, бошланғич ташкилотлар ишининг самарадорлиги кўп жиҳатдан партиянинг юқори ташкилотлари орқали ишни тўғри мувофиқлаштира олинишига боғлиқ. Шу боис ишимизга бўлган ижодий муносабатни, талабни изчиллик билан ошириб боришимиз даркор.

Шунга эришишимиз керакки, ўтказилаётган ҳар бир тадбир, учрашув, баҳс-мунозара кутилган самарани берсин, партиянинг ёшлар, аёллар қанотини мустаҳкамлашга, сайловчилар орасида хайрихоҳларнинг кўпайишига хизмат қилсин. Фақат шу йўл билангина биз ўз олдимизга қўйган мақсадга эриша оламиз.

XALQ BANKI
Самарқанд вилояти бошқармаси жамоаси
Юртимиз сарҳадларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаётган барча ҳарбий хизматчиларни
14 январь — Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 22 йиллиги билан самимий табриклайди.



### Авиарейс очилиши режалаштирилмоқда

Польша Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулотда ва Мухтор элчиси Мариан Пшезьдзецки 2014 йилда Ўзбекистон ва Польша ўртасида тўғридан-тўғри авиарейс йўлга қўйилиши эҳтимоли мавжудлигини маълум қилди.

— 2014 йилнинг иккинчи ярим йиллигида мамлакатлараро авиа транспорт ҳаракати қатновини жорий этишга муваффақ бўлинади, деган умиддамиз, — дейди элчи ўз баёнотида. — Хусусан, ўтган йилнинг ноябр ойида Тошкентда бўлиб ўтган ҳукуматлараро комиссия йиғилишида таъкидланганидек, бу каби қулайликлар икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

# Замон билан ҳамнафас партиядошимиз

Давоми. Боши 1-бетда

Бугун улар орасида республикага танилган олималар, санъаткору фермерлар, шифокору зиёлилар сафи кенгайиб бормоқда. Шу ўринда Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти кенгашига бирлашган фаол аёлларнинг йилдан-йилга ташаббускорлиги кучайиб боряпти. Жумладан, якунига етган «Обод турмуш йили» хотин-қизларимиз учун қатор соҳаларда улкан ютуқларга бой бўлди.

Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан республикамиз Президенти Фармонига мувофиқ, ҳукуматимизнинг турли унвон, орден ва медаллари билан мукофотланганлар орасида ҳам ўнлаб аёллар борлиги фикримиз далилидир. Хўжаобод туманидаги «Андижон» МФЙ раиси Баҳриниса Акбарова, Андижон санъат коллежи ўқитувчиси Хотирахон Акрамова, Қўрғонтепа туманидаги У.Носир МФЙ раисининг ҳамда Олтинкўл туманидаги Миробод МФЙ раисининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари Д.Ҳабибуллаева, М.Маллаева каби опа-сингилларимиз шулар жумласидандир. Бугун Ўзбекистон "Адолат" СДП сафида фаолият юритаётган Юлдузхон Нишонова, Замирахон Кимсанова, Дилдорахон Алихонова сингари фаол аёлларимизнинг партиявий мақсад ва вазифаларимизни амалга оширишдаги иштироки алоҳида эътиборга молик.

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ўнлаб кўрик-танловларда, айниқса, вилоятимиз вакилалари фаол иштирок этиб, ўзларининг гўзал фазилатлари, иқтидорлари, бунёдкорлик, тадбиркорлик каби муҳим соҳалардаги салоҳиятларини намоён этмоқдалар.

Айниқса, Республика хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган «Йил аёли — 2013» миллий танловида Андижон вилояти вакили, Ўзбекистон «Адолат» СДП фаоли, асакалик Наргиза Сатторованинг мутлоқ ғолиб деб топилгани биз партиядошларга янада катта фахр ва ғурур бағишлади.

Танловнинг минтақавий босқичларида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда самарали меҳнат қилаётган аёллар илғор ғоя ва ташаббуслари, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини тўғри йўлга қўйиш, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича олиб бораётган ишлари атрофлича таҳлил этилди. Якуний республика босқичида иштирокчилар орасида бошқалардан ҳар томонлама устунлигини намоён эта олган партиядошимиз, ўз навбатида, хотин-қизларга қаратилган дастурий ғояларимизнинг нақадар ҳаётий эканлигини ҳам амалда намоён этди, дейиш мумкин.



— Биз ўзбек аёллари бугун қандай муваффақиятга эришмайлик, қанчалик эътирофга сазовор бўлмайлик, буларнинг барчаси замирида хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик, жамият ҳаётининг барча жабҳаларидаги фаол иштирокимиз учун яратиб берилаётган шароитлар мужассамдир, — дейди Наргиза Сатторова. — Бу каби кўрик-танловлар эса шунчаки ғолиблик учун кураш баҳси эмас, балки бугунги ўзбек аёлларининг нималарга қодирлигини, қобилият ва истеъдодини намоён қилишга имконият яратмоқда. «Йил аёли» деган юксак эътироф мен учун катта рағбат бўлибгина қолмасдан, зиммамдаги масъулият ҳиссини янада оширди. Эндиликда ушбу шарафли номга муносиб бўлишга, кўтарадиган ташаббусларим ва бажарадиган эзгу амалларим билан муносиб издошлар тайёрлашга ҳаракат қиламан. Ўз навбатида шуни мамнуният билан таъкидлашни истардимки, ушбу ютуқни қўлга киритишимда республикамиз хотин-қизларига энг кўп эътибор қаратиб, қўллаб-қувватлаб келаётган Ўзбекистон «Адолат» СДП сафида бўлганлигим ҳам ўзига хос ўрин тутди.

Дарҳақиқат, сафдошимиз Наргиза Сатторова ғолиб бўлган "Йил аёли — 2013" анъанавий миллий танлови мана етти йилдирки, юртимизда мунтазам ўтказиб келинмоқда. Оила юмушлари, турмуш ташвишларидан ортиб, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳалар ривожига ўз ҳиссасини қўшаётган фаол ва фидойи опа-сингилларимизни қўллаб-қувватлашга, меҳнатини қадрлашга хизмат қиляпти. Шу билан бирга таъбир жоиз бўлса, замонавий ўзбек аёли сиймосини, буюк келажагимиз яратувчиларининг тарбияси кимлар қўлида эканлигини амалда намоён этмоқда.

Қайд этиш ўринлики, ўз тақдирини партия билан боғлаган, унинг сафида сиёсий куч нуфузини оширишга астойдил ҳаракат қилаётган Наргиза 2001 йили Андижон давлат тиббиёт институтини тугаллаб, Асака тиббиёт коллежида иш бошлаган. У ёшларга билим бериш билан бирга «Тиббиёт камалаги» ўқув марказини очиб, қизларга ҳунар ўргатишни ҳам йўлга қўйди. Коллеждаги дарслардан сўнг бу марказ машғулотларига ошиқаётган ёшлар чеварлик, пазандалик, оила шифокори сингари ўнга яқин қўшимча касбларни ҳам эгаллаб, мустақил турмуш кечиришга, оила, уй-рўзғор юмушларини бажаришга тайёрланишмоқда. Фаол ва изланувчан фидойи сафдошимиз 2012 йилда ўтказилган "Энг намунали бошланғич хотин-қизлар қўмитаси" кўрик-танловининг республика босқичида ғолиб чиқиб, кўпчиликка ибрат бўлган эди. Навбатдаги ғалаба ҳам унга куч-қувват ва рағбат бағишлади. Зиёли оиласида ўсган, ота-онаси каби ўқитувчилик касбини ардоқлаган Наргиза Сатторова элда кам бўлмади, қадр топди. Ҳозирги кунда у мазкур коллежда директор вазифасини бажарувчи бўлиб ишлаб, жамоани янги ютуқлар сари руҳлантиряпти.

Н.Сатторова — Ўзбекистон «Адолат» СДП жонкуяри. У мазкур коллежда ташкил этилган бошланғич партия ташкилотига 2010 йилдан буён бошчилик қилиб келмоқда. Айни пайтда бу қуйи ташкилотнинг 30 нафар аъзоси ҳудуд аҳолисининг тиббий маданиятини юксалтириш, иш билан бандлигини таъминлаш ва ёшлар тарбияси борасида ибратли ишларни амалга оширяпти.

— Бу БПТ фаолияти ҳақида кўп гапириш мумкин. Айниқса, партиявий тадбирларни ўтказишда доим фаол. Наргиза ҳамма ишга улгуради, вақт топади. Янгидан-янги ташаббуслар билан чиқиб, бизга мададкор бўлиб келмоқда, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Асака тумани кенгаши раиси Меҳринисо Каримова.

Ҳа, Андижон вилоятида фаол, замон билан ҳамнафас партиядош хотин-қизлар кўпчиликни ташкил этади. Биз улар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

**Акбаржон НАЗАРОВ,**
**Аъло АБДУЛЛАЕВ**
(ЎзА) олган суратлар

**Республикамиздаги "Ангрен" махсус индустриал зонасида нафас йўллари касалликларини даволаш учун қўлланиладиган дори воситаларини ишлаб чиқарадиган янги фармацевтик корхона ишга тушиш арафасида.**

### Фармацевтик корхона ишга тушади

"Жаҳон" ААнинг маълумот беришича, янги корхона қўшма лойиҳаларни амалга ошириш дастури доирасида Хитойнинг "Kunmin Pharmaceutical" компанияси билан ҳамкорликда барпо этилади.

Лойиҳанинг умумий миқдори 14 миллион АҚШ долларини ташкил қилиб, унинг 50 фоизи хорижлик сармоядорларга тегишли. Лойиҳавий қуввати бир йилга 2 миллион дозани ташкил қилиши кутилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги "Ангрен махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги Фармони мазкур ҳудудда саноатни жадал ривожлантириш, иқтисодиётга чет эл сармояларини жалб қилишнинг муҳим омили сифатида хизмат қилмоқда.

"Ангрен" МИЗ Тошкент вилоятининг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шу орқали янги иш жойлари барпо қилиш ҳамда аҳоли даромадларини оширишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

ADOLAT
№ 1 (962) 2014-yil
10-yanvar, juma

# Осуда ҳаётимизнинг ишончли кафолати

Давоми. Боши 1-бетда

Энг аввало, мамлакатимиз Конституциясида Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун ташкил этилиши белгилаб қўйилди. Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчи эканлиги алоҳида қайд этилди.

Истиқлол йилларида, шунингдек, минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазият, замонавий талаблар ва мамлакат хавфсизлигига таҳдидларни чуқур таҳлил қилиш асосида тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминловчи муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Чунончи, "Мудофаа тўғрисида"ги, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунга мувофиқ, ҳарбий хизмат муддатини 12 ойгача қисқартиришга доир ҳуқуқий асослар яратилди. Натижада 2009 йилдан буён бир йиллик муддатли ҳарбий хизматга чақирув танлов асосида амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, ҳарбий хизматнинг янги тури — сафарбарлик чақируви резерви ҳам ўзининг самарали эканини исботлади. Бугун миллий армия сафларида хизмат қилаётган аскарлар ҳарбий мутахассисликни пухта ўзлаштириш билан бир қаторда, замонавий ахборот технологияларига оид билимларини ҳам оширмоқдалар. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари энг замонавий, кўркам биноларда жойлашибгина қолмай, замон талаблари асосида жиҳозланмоқда. Бу эса чақирилувчиларни сифатли тиббий кўрик ва синовлардан ўтказиш учун қулайлик яратиб, Қуролли Кучларимиз сафларини яхши тайёрланган, бақувват ва мард йигитлар билан тўлдириш имконини бермоқда.

Маълумки, юртимизда "Мустақиллик", "Амир Темур", "Жалолиддин Мангуберди" орденлари, "Жасорат", "Содиқ хизматлари учун" каби медаллар таъсис этилган бўлиб, улар давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтиришга катта ҳисса қўшаётган ҳарбийларимиз меҳнатини қадрлаш, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, фидойи ва ватанпарвар ёшларни тарбиялашда ўзига хос мукофот вазифасини ўтамоқда.

2012 йил 11 сентябрда қабул қилинган қонунга мувофиқ яна бир юксак мукофот — "Мардлик" ордени таъсис этилди. "Мардлик" ордени билан ҳарбий хизматчилар ва бошқа фуқаролар орасидан Ватан ҳимояси учун ўзини бағишлаган, она Ватан хизмати йўлида жасурлик ва довюраклик кўрсатган юртдошларимизнинг мукофотланиши алоҳида белгилаб қўйилди.

2012 йил яна бир тарихий ҳужжат — мамлакатимиз раҳбари томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган "Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонунни мамлакатимизнинг узоқ йилларга мўлжалланган ташқи сиёсат стратегиясини белгилаб берувчи ўта муҳим ҳужжат сифатида баҳолаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти Концепциясида бир қатор принципиал аҳамиятга молик бўлган илғор прогрессив ғоялар ўз аксини топган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси қўшни давлатлардаги ҳарбий можароларга ва танг вазиятларга тортилишининг олдини олиш юзасидан сиёсий, иқтисодий ва бошқа чора-тадбирларни кўриши, шунингдек, ўз ҳудудида хорижий давлат ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги алоҳида қайд этилди. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсат юритиш, ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслик, ҳар қандай давлатлараро тузилмалар ҳарбий-сиёсий блокка айланган тақдирда улардан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиш каби принципиал позицияси ҳам мазкур Концепцияда ўз аксини топди.

Мудофаа соҳасидаги ислоҳотлар билан боғлиқ равишда қабул қилинган қонунлар билан бирга, Ўзбекистон Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов томонидан имзоланган қатор фармон ва қарорлар ҳам армиямизнинг қиёфаси ва жанговар имкониятларини, ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни тубдан ўзгартириш имконини берди. Масалан, мамлакатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий прокуратурасини ташкил қилиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини ташкил қилиш тўғрисида"ги Фармонлари, "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига уй-жойни ижарага олганлик учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисида"ги Қарори билан ҳарбий хизматчиларнинг давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилиниши кафолатлаб қўйилди.

Шунингдек, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини турар-жой билан таъминлаш тартиби ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори асосида барпо этилаётган замонавий уй-жойлар ҳарбийларга, уларнинг оила аъзоларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалий ифодасидир.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган фармон ва қарорларда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини мустаҳкамлаш, улар учун зарур уй-жой ва маиший шароитларни яратишга ҳам муҳим аҳамият берилмоқда. Фақат кейинги беш йилда барча тоифадаги ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маоши ўртача уч карра ошгани, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маошлари ва ҳарбий хизматдан бўшаганда тўланадиган ёрдам пули миқдори эса саккиз баробар ўсгани ҳам шундан далолат беради.

Армиямиз сафларида хизмат қилаётган фарзандларимизга — Ватанимиз ҳимоячиларига катта эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий натижаси сифатида Президентимизнинг 2012 йил 31 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорини келтириш мумкин. Мазкур Қарорга мувофиқ, 2012-2013 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларига эга бўлган фуқаролар барча йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича бакалаврлар тайёрлашда республика олий таълим муассасаларига киришда тўплаш мумкин бўлган максимал балларнинг 27 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёзга эга бўлдилар. Ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тавсияномалари улар берилган санадан бошлаб 3 йил мобайнида амал қилади.

Мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш бўйича ишлар тизимли ва босқичма-босқич равишда амалга оширилмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 24 октябрда "Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Мудофаа вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Жамоатчилик кенгаши олдига халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, мамлакатимиз Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш, замонавий миллий армиямизни шакллантириш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ва улар бераётган юксак самараларни халқимизга етказиш, миллий армиямизнинг салоҳияти ва қудратини кенг тарғиб этиш, ҳарбий хизматни ўтаётганлар ва чақирилувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашиш вазифаси қўйилди.

Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳозирда ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Ислоҳотларнинг энг муҳим натижасини армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳитнинг бутунлай янгиланганида, жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга нисбатан ёндашув тамомила ўзгарганида яққол кўриш мумкин. Йигитларимиз учун ҳарбий соҳада хизмат қилиш, нафақат фахрли бурч, балки юксак шон-шарафга айланди. Барча ота-оналар ўз фарзандлари вояга етгач, унинг Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилишини ният қилишади.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир бўлган, замонавий, ҳаракатчан, ҳар томонлама яхши қуролланган армияни ташкил этиш бўйича ўзининг кўлами ва миқёсига кўра улкан ишлар тизимли ва босқичма-босқич равишда амалга оширилди.

Шу билан бирга, минтақамиз ва бутун жаҳондаги бугунги мураккаб, тез ўзгараётган ҳарбий-сиёсий вазият, айниқса, Афғонистондаги истиқболи мавҳум бўлган ҳолат билан боғлиқ тарзда хавфсизликка қарши реал ва эҳтимол тутилаётган хавф-хатарларнинг кучайиб, наркоагрессия, халқаро терроризм, экстремизм ва бошқа таҳдидларнинг миқёси кенгайиб бораётгани Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий тайёргарлиги ва жанговар қобилиятини муттасил ошириш, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш, унинг давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш борасидаги чораларни янада кучайтиришни тақозо этмоқда.

Юртимизда Ватан ҳимоячилари кунини кенг нишонлаш, байрам қилиш қутлуғ анъанага айланди. Президентимизнинг 2013 йил 12 декабрдаги "Ватан ҳимоячилари куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Фармойиши асосида тез кунларда нишонланадиган байрамга жуда пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида катта тантана билан нишонланадиган байрам тадбирлари ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилиши, миллий армиямиз сафларида она юртимизни ҳимоя қилиш иштиёқини янада кучайтириши шубҳасиздир.

**Қодир ЖЎРАЕВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси

*Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб «Ўзбекистон — ягона Ватаним» шиори остида аскар оналарини шарафлаймиз деб номланган тадбир ўтказилди.*

## Оналари эъзозланган юрт осойишта бўлади

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳамда вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларнинг оналари, Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Мавлуда Қобулова ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда тезкор, ихчам, замонавий техника ва қурол-яроғ билан таъминланган профессионал армия шакллантирилганини таъкидлади. Муддатли ҳарбий хизматга жисмонан соғлом, маънавий етук, юксак интеллектуал салоҳиятга эга ёшларни саралаб олиш, намунали хизмат қилган аскарларга олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун имтиёзли тавсияномалар бериш жорий этилди. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига муносиб турмуш шароити яратиб беришга эътибор кучайтирилди. Бу ишларнинг барчаси Ватанимиз тинчлиги, сарҳадларимиз осойишталиги ва обод турмушимиз учун хизмат қилмоқда.

— Ўғлим Исломжоннинг ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаётганидан фахрланаман, — дейди Олтинсой туманидаги Овчи маҳалласида истиқомат қилувчи Ҳалима Донаева. — Ўз юртини қўриқлаётган аскарларнинг оналарига кўрсатилаётган бундай ҳурмат-эътибор учун давлатимиз раҳбаридан миннатдормиз.

Аскарлар оналари вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган байрам дастурхони атрофида қизғин суҳбат қурди.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
ЎзА мухбири

*Жамият ўз олдига нечоғли улуғ мақсадларни қўяр экан, бунда инсон омили ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Яъни, жамият аъзоларининг ижтимоий онги, фаоллиги, фуқаро сифатида Ватан, миллат олдидаги масъулиятини ҳис этиши, кекса авлод ортидан келаётган ёшларнинг ҳар тарафлама баркамол бўлиб тарбия топиши шу вазифаларнинг бажарилишига боғлиқ бўлади. Ер юзида ҳаёт пайдо бўлганидан бери авлодлар алмашинуви давом этади.*





ЎзА суратлари

# Ватан туйғуси

Инсон бу ёруғ оламда эмин-эркин, тинч-тотув ҳаёт кечиришни, фарзандларини тарбиялаб вояга етказишни, ўзидан яхши ном, эзгу амаллар қолишини орзу қилади. Аммо уруш, босқинчилик ҳаракатлари, ноаҳиллик натижасида бу орзуларга ҳамиша ҳам етиша олмайди. Бунинг бошқа бир сабаби — тўла маънода озод ва эркин, ҳақ-ҳуқуқини таниган, она Ватани бағрида умргузаронлик қилаётган инсонгина ўзлигини намоён қила олади, иқтисодий, маънавий қарамлик эса бу борадаги интилишларни чеклаб қўяди.

Халқимиз мустақиллик йилларида моҳият эътибори билан асрларга тенг шиддатли даврни босиб ўтди. Ички ва ташқи хуружларга қарамай, миллий тараққиёт йўлидан оғишмади, бугунги ёруғ кунларга қатъий ишонч билан интилди, меҳнат қилди. Шу йиллар ичида жамият янгиланди, одамлар, уларнинг дунёқараши, турмуш тарзи ўзгарди, Ўзбекистонимизнинг номи дунёнинг ривож топаётган, иқтисоди бақувватлашаётган давлатлари сафида тилга олинадиган бўлди.

Истиқлол йилларида эришилган муваффақиятларимизнинг бош омиллари ҳақида сўз кетганда, Ватан туйғуси, Ватан фахри, Ватан ҳимояси деган фикр хаёлимизга келади. Бу туйғу ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида қалбимизга ёруғ нур мисол кириб келди, фахр-ифтихоримизга айланди, бекиёс ғурур бўлиб, онг-шууримиздан жой олди. Улуғ аждодларимизнинг "Ватанни севмоқ иймондандир", "Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир", деган буюк ҳикматлари давлатимиз раҳбарининг "Шу азиз Ватан — барчамизники", "Биздан Озод ва Обод Ватан қолсин" деган сўзлари билан уйғунлашиб кетди. Ватанпарварлик, Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, уни улуғлаш, шарафлаш, ҳимоя қилиш, бойликларини асраб-авайлаш, кўпайтириш ва келгуси авлодларга етказиш ҳақида ўйлай бошладик. Бу ўй-фикр фикру зикримизни эгаллади, ҳаётимизнинг маъно-мазмунига айланди. Ватанни ҳимоя қилиш нималигини, кексаларнинг оилага, эл-юртга тинчлик-хотиржамлик, осмонга мусаффолик, дастурхонга тўкинлик тилаб қилган дуолари маъносини тушуниб етдик.

Ватан ҳимоячиси бўлиш — чегарада ҳушёр туриш, она юрт сарҳадларини, тинч-тотув ҳаётимизни, оиламизни, ота-онамизни, тетапоя бўлаётган мурғак чақалоқларни нохуш, бузғунчи ниятлардан, ёмон кўзлардан асраш билан бирга келгуси авлодларнинг ҳам ризқ-насибаси бўлган моддий бойликларимизни, улуғ аждодлардан бизга мерос маънавий қадриятларни, бағрикенг, тинчликсевар, меҳр-мурувватли халқимизнинг эзгу фазилатларини, тилимизни, динимизни, тоғу тошларни, сой-сўқмоқларни, дала-дашт, қир-адирларни кўз қорачиғидек асрашимиздир.

Ватан ҳимоячиси бўлиш жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун муқаддас инсоний бурч экани Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида жуда таъсирчан ифодаланган.

Давлатимиз раҳбари маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай ҳаракат ёки таҳдид, энг аввало, у ёки бу мамлакатнинг хавфсизлиги ва яхлитлигига, шу заминда яшаётган турли миллат ва элатларнинг аҳилиноқлигига раҳна солувчи, тўғри йўлдан адаштирувчи ҳаракат, таҳдид эканлигини алоҳида уқтиради. Маънавий жиҳатдан қуролсизлантирилган ва бунинг оқибатида маънавий олами заифлашган халқ эса энг оддий хавф-хатар олдида ҳам ожиз бўлиб қолади. Демакки, янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга тўғри келади. Бунинг сабаби, нияти холисликдан йироқ кучлар шахсий манфаат дея дунёдаги ҳар бир миллат ва элатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўзига хос ва мос йўл танлаш, ўзига мақбул тарзда умргузаронлик қилиш ҳуқуқи борлигини унутиб қўядилар.

Истиқлол йилларида бундай хуружларга кўп бор дуч келдик ва сир эмаски, бундай уринишлар ҳозир ҳам йўқ эмас. Бепарволик, атрофимизда, узоқ-яқин ҳудудларда кечаётган воқеа-ҳодисалар, мураккаб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнлар моҳиятини, "оммавий маданият" аслида нима эканлигини чуқур англамаслик натижасида халқнинг миллий илдизларини заифлаштиришга қаратилган уринишларнинг ҳаттоки иштирокчиси бўлиб қолиш ҳеч гап эмас. Демакки, Ватан туйғуси, унинг ҳимоячиси бўлиш мана шундай ҳолатларнинг моҳиятини тўғри тушуниш, ўзибўларчиликка йўл қўймаслик, ёшларни она юртимизга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш деганидир. Бугунги армиянинг куч-қудрати унинг жанговар тайёргарлиги, ҳаракатчанлиги, профессионал тайёргарлиги, офицер, сержант ва аскарларнинг маънавий, ахлоқий фазилатлари, она Ватан тақдири учун масъулият ҳиссини нечоғли ҳис этишлари билан ҳам белгиланади.

Шу боисдан ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, мамлакатимизда қабул қилинган Мудофаа доктринаси ва армияни ислоҳ қилишга доир дастур асосида кенг кўламли ишлар босқичма-босқич амалга оширилди, айни пайтда ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг оилалари истиқомат қиладиган ҳарбий шаҳарчалар бунёд этиш, уларда ижтимоий, маданий-маиший ҳамда тиббий таъминот тизимларини яратиш диққат-эътиборда бўлди. Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ҳарбий хизмат муддатининг қисқартирилиши, ҳарбий хизматга чақирилиш йилда бир марта амалга оширилиши, ҳарбий хизматни шартнома асосида ўтаётганларнинг сони тобора ошиб бораётгани жамиятимизда ҳарбий хизматга ишонч, ёшлар орасида эса ҳарбий касбларга қизиқишни орттирмоқда. Ҳарбий хизмат давомида жанговар тайёргарлик борасида алоҳида натижаларга эришган, замонавий ҳарбий-техник воситаларни чуқур ўзлаштирган ёш Ватан ҳимоячиларига олий ўқув юртларига киришда маълум имтиёзлар жорий этилгани ҳам айни муддао бўлди. Ҳар йилнинг 14 январи мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида нишонланиши эса Ватан туйғусини янада кучайтирди. Ота-оналар мамлакатимиз Қуролли Кучларида хизмат қилаётган, эл-юрт тинчлигини сақлаётган, замонавий касбларни ўрганаётган фарзандлари билан ҳақли равишда фахрланаётганларининг боиси ҳам шунда.

Ватан ҳимоячиси. Бу икки сўз замиридаги маънони англаш, унга амал қилиш бугунги куннинг муҳим талабларидан бири. Ватан бу — оила, маҳалла, тинч-тотув ҳаётимиз, фарзандларимиз чеҳрасидаги самимий табассум, истиқлолимизга шукроналар айтиб, ўғил-қизлари бағрида умргузаронлик қилаётган нуронийлар, она юрт бойликлари, маънавий қадриятларимиз, мустақил Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни, буюк келажагимиз. Буларнинг ҳаммасини асрамоқ, ҳимоя қилмоқ, келажак наслларга бус-бутун етказмоқ зарур.

**М.АҲМАДЖОНОВ**

# ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

## Амалий мулоқот самараси

**партия сафларини кенгайтириш, сон ва сифат жиҳатидан мустаҳкамлаш билан бирга қўшма корхонада янги БПТ тузиш имконини ҳам берди**

**➢ БПТ — партия таянчи**

*Яқин ўтмишда Наманган тумани фақат аграр соҳага ихтисослашган, бу ерда саноат деярли ривожланмаган эди. Фақат мустақиллик йилларидагина вазият тубдан ўзгара бошлади. Айниқса, тадбиркорликка кенг йўл очилди. Хорижий сармоялар учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Бошқа имкониятлар вужудга келтирилди.*



Эндиликда туманнинг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмида саноат маҳсулотларининг салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Янги соҳадаги ўсишни таъминлашга "Тошбулоқ-ТЕКС" масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси муносиб улуш қўшяпти.

Калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур фабрикага асос солинганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Ундаги дастлабки ташкилий ва қурилиш-монтаж ишларига 2007 йилда киришилди. Уч йил муқаддам эса бу ерда маҳсулот тайёрлана бошлади. Ўтган қисқа муддат ичида ёш жамоа ўз йўлини топиб, тараққиёт сари юз тутди.

Яқинда ушбу корхонада 47 нафар аъзони ўз атрофида жипслаштирган Ўзбекистон "Адолат" СДП бошланғич ташкилоти иш бошлади. Наманган туман партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Мамасоли Раҳматов бошчилигида партия фаолларининг корхона ишчи-хизматчилари билан ўтказган учрашувларида "Адолат" СДП дастурий ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб қилганликлари натижасида улар партиямиз сафига кириш истагини билдиришди.

— Қўшма корхонамизда бир юз саксон нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилади, — дейди тўқимачилар жамоасининг раҳбари Тўлқин Баратов. — Уларнинг кўпини асосан аёллар, хотин-қизлар ташкил этади. Улар ишхонамизда сиёсий, маънавий-маърифий мавзуларда тадбирлар ўтказиб турилишини жуда-жуда хоҳлайдилар. Шунингдек, жамоатчилик фаолиятида иштирок этиш, ўз билим ва қобилиятларини намойиш қилиш ҳам уларнинг айни муддаосига айланган. Шу боисдан "Адолат" СДП тарихи, Устави ва сайловолди дастури, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалари жамоадошларимизда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, партия малакали ишчилар ва муҳандис-техник ходимларни ўз электорати сифатида кўриши барчамизга манзур бўлиб, партия сафига киришга қарор қилдик.

— Мен қўшма корхонамиз фаолият бошлагандан бери шу ерда ишлайман, — дейди ип йигирувчи Раъно Жўраева. — Қишлоқ жойларида саноатни ривожлантиришга эътибор қанчалик муҳимлигини ҳар биримиз сезиб турибмиз. Шахсан мен "Адолат" партиясининг иқтисодиёт соҳасидаги фаолият йўналишларини қўллаб-қувватлайман. Қолаверса, умуман сайловолди дастури ҳақида ҳам ижобий фикрдаман. Шу боис партия сафига кирдим.

— Биронта сиёсий партиянинг аъзоси бўлиш ҳақида анчадан бери ўйлаб юрардим, — дейди пилbackловчи Хайринисо Эргашева. — Матбуотда уларнинг фаолиятига доир хабарлар билан танишиб бораман. Анчагина мулоҳаза юритиб, "Адолат" СДПнинг ғоя ва дастурлари ўзимга ёқишини ҳис этдим.

Қўшма корхона ишчи-хизматчиларидан чилангар Хайрулла Турдиев, йигирувчилар Нигора Холмирзаева, Одина Келдиева, Зумрад Каримова, пилловчилар Насиба Холдорова, Равза Жўраевалар ҳам янги БПТнинг фаол аъзоларига айланишди.

Умид қиламизки, ушбу БПТ ҳам Наманганданги энг фаол қуйи ташкилотлар қаторида дастурий мақсад-вазифаларимиз ҳамда ҳаётбахш ғояларимизнинг амалиётда аксини топишида, электоратимиз манфаатларини собитқадамлик билан ҳимоя қилишда ўз ўрни ва нуфузига эга бўлади.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
«Adolat» мухбири

Сиёсий ўқиш

## Ташкилий-партиявий фаолиятимизда дастуриламал

*Давлатимиз раҳбарининг Бош Қомусимиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Амалга оширилаётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш — ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир" мавзусидаги маърузаси Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳудудий ташкилотлари, маҳаллий кенгаш депутатлари, БПТ фаоллари, умуман партиянинг барча аъзолари томонидан чуқур ўрганилмоқда.*

Шу юзасидан ташкил этилаётган сиёсий ўқувлар, давра суҳбатлари орқали партия фаоллари ўз сиёсий билимларини ошириб, бугун улар олдига қўйилаётган талаблар ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлмоқдалар. Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан Юнусобод туман марказий шифохонасида ташкил этилган сиёсий ўқиш ҳам айни шу мавзуга бағишланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Тошкент шаҳар партия кенгаши депутатлари ва фаоллари ҳамда шифохонада меҳнат қилаётган электоратимиз вакиллари иштирокидаги тадбирда Юртбошимизнинг маърузасидан келиб чиқадиган хулосалар тушунтирилди. Таъкидланганидек, маърузада мустақиллик йилларида мамлакатимиз эришаётган улкан ютуқ ва марралар аниқ рақамлар асосида чуқур таҳлил этилиб, ҳали ишга солинмаган имкониятлар ҳамда сиёсий партиялар олдида турган вазифалар белгилаб берилди. Шу билан бирга Конституциямиз узоқ, давомли мақсад ва вазифаларимизни аниқ белгилаб беришда ўзининг пухта ўйланган тамойил ҳамда қоидалари билан ишончли ва ҳал қилувчи омил бўлгани, ўтган йиллар мобайнида эришилган ютуқлар холисона таҳлил этилгани, кўппартияли тизимни мустаҳкамлаш каби масалаларга эътибор қаратилди.

Шунингдек, тадбирда партиямиз дастурий ғояларини кенг омма орасида тарғиб этиш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасидаги ишларда барча даражадаги партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари билан бир қаторда партиянинг ҳар бир аъзоси ўз зиммасидаги масъулиятни тўғри англашлари лозимлиги қайд этилди.

Тадбирда қатнашган тиббиёт ходимларидан иборат партиямиз аъзолари ҳам ўз мутахассисликларидан келиб чиқиб, нафақат аҳолининг тиббий саводхонлигини оширишга, балки жамиятнинг энг илғор қатлами — ёш авлод дунёқарашининг шаклланиши ва ривожланишида ҳуқуқий, сиёсий, маънавий, айни вақтда тадбиркорлик ва ташаббускорлик маданиятини юксалтириш ишида ҳам фаол иштирок этиши лозим, деган якдил хулосага келдилар. Қолаверса, жорий «Соғлом бола йили»да тиббиёт ходимлари зиммасида турган улкан масъулият ҳамда устувор вазифалар хусусида ҳам атрофлича тушунча ва тавсиялар берилди.

Қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлган сиёсий ўқишда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислардан тегишли жавобларни олдилар.

**Бобур ОТАМУРОДОВ,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент шаҳар кенгаши
матбуот котиби

## Сўранг, жавоб берамиз!

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясига қандай аъзо бўлиш мумкин?

*Б.Тунгатов, Бўка тумани*

*Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган, партиянинг Устав ва Дастурини тан олган, уни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган, партия Дастурида белгиланган тадбирларни амалга оширишда фаол иштирок этадиган Ўзбекистон фуқароси ўз хоҳиши ва иродаси билан ихтиёрий равишда "Адолат" социал-демократик партиясининг аъзоси бўлиши мумкин.*

*Агар сизда бунга хоҳиш бўлса, ўзингиз яшаётган ҳудуддаги партия кенгашига ёзма ёки оғзаки тарзда мурожаат қилишингиз мумкин.*

Ўзбекистон "Адолат" СДП ўзининг қандай рамзларига эга?

*Н.Нематов, Тошкент шаҳри*

*Партия ўз байроғи, нишони ва вимпелларига эга. Улар Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Пленумида тасдиқланади ва қонунда белгиланган тартибда тегишли давлат органларида рўйхатдан ўтказилади.*

Ўзбекистон "Адолат" СДП таркибида бошланғич партия ташкилотини қаерда ва қандай тартибда тузиш мумкин?

*М.Исмоилов, Жиззах вилояти*

*Бошланғич партия ташкилоти партиянинг негизи ҳисобланади. Камида уч нафар партия аъзоси бўлган тақдирда БПТ тегишли туман, шаҳар партия кенгашлари томонидан рўйхатга олинади.*

*Ишлаб чиқариш принципига биноан, хўжалик, муассаса, ташкилотда ишлаб турган партия аъзоларини бирлаштирган бошланғич партия ташкилоти тузилади. Шунингдек, ҳудудий принцип асосида маҳалла, уй-жой мулкдорлари ширкати, кўп қаватли уй ва бошқа шунга ўхшаш аҳоли пунктларида яшовчи партия аъзоларидан ҳам бошланғич партия ташкилотларини тузиш мумкин.*

Саволларга Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Устави асосида жавоб берилди.

## Мақсадлари юксак авлодмиз

**➢ «Ёш адолатчилар» қаноти**

*Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг "Ёш адолатчилар" қаноти ва унинг ҳудудий бўлимлари ўз фаолиятида мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келаётган ёшлар орасида партиянинг халқчил дастурий ғояларини тарғиб этиш, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини юксалтириш борасида талай ишларни амалга ошириб келмоқда.*

Хусусан, Бухоро вилоят партия кенгашининг "Ёш адолатчилар" қаноти ҳам ўтган 2013 йилда асосий эътиборни мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида содир бўлаётган воқеаларга бефарқ бўлмаган, иродаси бақувват, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган ёшларни тарбиялаш, партиянинг дастурий ғоя ва мақсадларини тушунтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида вояга етказиш мақсадларига қаратди.

Айтиш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон «Адолат» СДП Бухоро вилояти кенгаши таркибидаги аъзоларнинг 40 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этмоқда. «Ёш адолатчилар» қаноти фаолларининг ҳудуддаги навқирон авлод орасида олиб бораётган тарғибот ишлари, билимдон ва иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, салоҳиятларини рўёбга чиқариш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ўз самарасини кўрсатмоқда. Айниқса, «Ёш адолатчилар» сафида мустақиллик йилларида шахс сифатида шаклланган, қатъий ҳаётий қарашга эга бўлган, ўз келажагини Ватан тақдири билан ҳамоҳанг қўювчи, замонавий билимларни эгаллаган, спорт турлари бўйича совриндор ёшлар кўпчиликни ташкил этаётгани қувонарлидир.

Хусусан, ёш фаолларимиздан бири Нигина Солиева спортнинг TAEKWON-DO йўналиши бўйича қатор совринлар ва медалларни қўлга киритди. Масалан, 2011 йилда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўтказилган TAEKWON-DO спорт тури бўйича ёшлар ва катталар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида II даражали диплом, шу йили қизлар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида I даражали диплом билан тақдирлангани таҳсинга лойиқ.

21 ёшни қаршилаган Нигина нафақат спортда, балки илм-фан ва сиёсатда ҳам фаоллиги билан тенгдошларига ўрнак бўлиб, турли тадбирларда ёшларни партиямизнинг қатор лойиҳаларига жалб этишга ҳисса қўшиб келмоқда.

— Мен учун ўтган 2013 йил жуда омадли келди, — дейди Нигина Солиева. — Чунки шу йили TAEKWON-DO миллий ассоциациясининг Бухоро вилоятида ўтказилган халқаро турнирида II даражали дипломга сазовор бўлдим. 2013 йил август ойида Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро шаҳар кенгаши "Ёш адолатчилар" қанотига аъзо бўлишим эса, ўз мақсад ва орзуларимга етишиш, билим ва қобилиятларимни янада бойитиб, уни амалда намоён этиш имконини беради, деб ўйлайман. Энг катта орзуим эса спорт соҳасида юқори чўққиларга эришиш билан бирга ёш депутат бўлиб халқимнинг корига ярашдир.

— Мен Ўзбекистон «Адолат» СДП ёш аъзолари сафига киришдан олдин унинг Низоми билан танишганимда ёшларга келажакда жамиятнинг ҳал қилувчи кучи сифатида қаралганлиги, йигит-қизларни ягона эзгу мақсад йўлида тарбиялаш ғоялари илгари сурилганлиги ёққанди, — дейди "Ёш адолатчилар" қанотининг фаол аъзоларидан яна бири, TAEKWON-DO ITF йўналиши бўйича 2011-2012 йиллардаги Жаҳон чемпиони Беҳруз Саидов. — Бундан ташқари, ёшларнинг жамият ҳаётидаги ўрнига, лидер сифатида тарбияланишига партия томонидан доимий равишда эътибор қаратилиб келинаётганлиги қувонарли ҳол. Шу боис «Ёш адолатчилар» қаноти сафидаги фаолларимиз ўзларига билдирилаётган ишончни оқлашга, партиямиз ғоялари атрофида янада жипслашиб, ўз илмий изланишлари, инновацион тафаккури орқали дастурий мақсадларимизни ҳаётга татбиқ этиш ва жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқдалар.



— Дарҳақиқат, бугун ёшлар билан ишлаш ва уларни сиёсий-маънавий жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш ишларини янада такомиллаштириш партия ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалардан, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро шаҳар кенгаши раиси Ҳ.Латипов. — Барча ҳудудий партия ташкилотлари томонидан ёшларнинг фаоллигини, дунёқарашини оширишга қаратилган тадбирлар, кўрик-танловлар, сиёсий-маънавий мавзуларда семинар-тренинглар ўтказиш, уларнинг инновацион ғоя ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга асосий эътибор қаратилмоқда.

Бу борада "Ёш адолатчилар" қаноти томонидан "Мамлакат сиёсий ҳаётида ёшларнинг ўрни ва партия ёшларининг етакчилик маҳоратини шакллантириш", "Инноватор — ислоҳотларга кўмакдош", "Конституция — бахтимиз қомуси", "Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда ННТларнинг роли", "Социал-демократия ғояларини тарғиб этишда ёшларнинг ўрни", "Ёшлар ва сиёсий жараёнлар", "Ёш адолатчилар" қаноти — партиянинг келажаги" мавзуларида ўтказилган тадбирлар бунга яққол мисол бўла олади. Ўтган йилда ёшлар иштирокида ўтказилган шу каби 30 дан ортиқ сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий йўналишлардаги тадбирларда беш минг нафардан ортиқ ёшлар иштирок этгани уларда дахлдорлик ҳиссини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда ёшларнинг куч-ғайрати, шижоати, замон билан ҳамнафас ҳаракат қилиш хусусиятларидан самарали фойдаланиш «Адолат» СДП Бухоро вилояти кенгаши «Ёш адолатчилар» қанотининг доимий шиорига айланган, десак муболаға бўлмайди. Галдаги вазифа эса уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини янада ошириш, келажакда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига ўтказиладиган сайловларда иштирок эта оладиган билимли ва муносиб ёш номзодларни саралаш ҳамда жойларда партия ғоясини тарғиб қилишда уларнинг салоҳиятидан фойдаланишдир.

**Шавкат КОМИЛЖОНОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Бухоро вилояти кенгаши
матбуот котиби

*Ўзбекистон "Адолат" СДП Сирдарё вилояти кенгаши ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлинмаси билан ҳамкорликда Янгиер шаҳар тиббиёт бирлашмасида "Фуқаролик жамияти шаклланишида сиёсий партияларнинг роли ва ўрни" мавзусида ташкил этилган давра суҳбати ҳам Президентимиз маърузасини партия фаоллари орасида чуқур ўрганишга бағишланди.*

Унда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сирдарё вилоят ва Янгиер шаҳар кенгаши фаоллари, ФЖШМҚМИ вилоят бўлинмаси мутасаддилари, маҳаллий кенгаш депутатлари, БПТ раислари ва партия аъзолари иштирок этишди.

— Президентимиз ўз маърузаларида кўппартиявий тизимни мустаҳкамлаш ва партиялараро рақобатни кучайтириш — биз кўзлаган демократик давлат барпо этишнинг энг муҳим шартларидан бирига айланиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратдилар, — деди ФЖШМҚМИ Сирдарё вилоят бўлими раҳбари С.Қудратов. — Бу ўринда энг аввало, ўз низомига ва жамият олдида турган муаммоларни ҳал қилиш борасида ўз нуқтаи назари аниқ ифода этилган ҳаракат дастурига эга бўлган сиёсий партиялар назарда тутилди. Демократик принциплар асосида фаолият юритувчи сиёсий партиялар фуқаролик жамияти билан ҳуқуқий давлатни ўзаро мустаҳкам боғловчи, шунингдек, давлат сиёсатининг жамият аъзолари манфаатларига асосланган манбалардан озиқланишини таъминлаб турувчи энг асосий демократик институтлардан биридир. Шуни таъкидлаш жоизки, жамият ҳаётида сиёсий партиялар роли ва мавқеининг янада юксалиши юртимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашида муҳим омил бўлиб хизмат қилади, деб ўйлайман.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар жараёнида сиёсий партияларга, унинг фуқаролик жамиятини ривожлантиришда тутган ролини янада кучайтиришга қаратилаётган бу каби эътибор барча даражадаги партия ташкилотлари ҳамда вакиллик органларидаги депутатлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Шунингдек, тадбирда Сирдарё вилоят партия кенгаши раисининг биринчи ўринбосари М.Сиддиқованинг "Фуқаролик жамияти шаклланишида сиёсий партияларнинг роли" мавзусидаги, халқ депутатлари Янгиер шаҳар кенгаши депутати М.Вайдуллаевнинг "Соғлом бола йили" муносабати билан партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг олдида турган устувор вазифалар" мавзусидаги маърузалари тингланди.

Савол-жавоб ва қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлган давра суҳбати давомида партия фаоллари ҳам кўтарилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Шуҳратжон ҲАСАНОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Сирдарё вилояти кенгаши
матбуот котиби

ADOLAT
№ 1 (962) 2014-yil
10-yanvar, juma

# БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

*14 январь —*

*Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги йўлида Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган барча юртдошларимизни самимий табриклайди!*










*Ўз ҳаётини она Ватанни ҳимоя қилишдек шарафли ишга бағишлаган нияти улуғ ўғлонларга байрамингиз қутлуғ бўлсин деймиз!*

*Мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари, кичик бизнес субъектлари диққатига !*

# ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ “ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ” ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

***ОБЪЕКТЛАРИ НОМИ:***

**1. ЛОТ 1**

**ЛОТ 1.1. «Фарғона вилояти Бағдод тумани Пахтаобод КФЙ Говхона қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш”.**

*Бошланғич нархи **127 014 064 сўм ҚҚС билан, 105 845 053 сўм ҚҚСсиз.***

**ЛОТ 1.2. «Фарғона вилояти Бағдод тумани Чуваланчи КФЙ Оқчангал қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш”.**

*Бошланғич нархи **127 063 946 сўм ҚҚС билан; 105 886 622 сўм ҚҚСсиз.***

**ЛОТ 1.3. «Фарғона вилояти Бувайда тумани Бекобод қишлоғидаги Чинобод ҚФЙни ичимлик суви билан таъминлаш”.**

*Бошланғич нархи **127 194 894 сўм ҚҚС билан; 105 995 745 сўм ҚҚСсиз.***

**ЛОТ 1.4. «Фарғона вилояти Бувайда тумани Файзиобод қишлоғи Бекобод ҚФЙни ичимлик суви билан таъминлаш”.**

*Бошланғич нархи **127 378 520 сўм ҚҚС билан; 106 148 767 сўм ҚҚСсиз.***

**ЛОТ 1.5. «Фарғона вилояти Қўштепа тумани Ўқчи қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш”.**

*Бошланғич нархи **126 912 446 сўм ҚҚС билан; 105 760 372 сўм ҚҚСсиз.***

**ЛОТ 1.6. «Фарғона вилояти Қўштепа тумани Кичик Бешкапа ҚФЙни ичимлик суви билан таъминлаш”.**

*Бошланғич нархи **127 198 607 сўм ҚҚС билан; 105 998 839 сўм ҚҚСсиз.***

*Муддати: 01.07.2014 йил.*

**2. ЛОТ 2**

**ЛОТ 2.1. «Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Олмазор қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш”.**

*Бошланғич нархи **127 198 607 сўм ҚҚС билан, 105 998 839 сўм ҚҚСсиз.***

**ЛОТ 2.2. «Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Файзиобод қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш”.**

*Бошланғич нархи **127 120 353 сўм ҚҚС билан; 105 933 628 сўм ҚҚСсиз.***

**ЛОТ 2.3. «Фарғона вилояти Риштон тумани Бўстон ҚФЙ Чек Насриддин қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш”.**

*Бошланғич нархи **127 022 793 сўм ҚҚС билан; 105 852 328 сўм ҚҚСсиз.***

**ЛОТ 2.4. «Фарғона вилояти Учкўприк тумани Чорбоғ ҚФЙ Машад қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш”.**

*Бошланғич нархи **127 428 497 сўм ҚҚС билан; 106 190 414 сўм ҚҚСсиз.***

**ЛОТ 2.5. «Фарғона вилояти Бешариқ тумани Ватан ҚФЙ Увада-2 қишлоғида қурилаётган 18 та уй-жойларга ички сув тармоқлари тортиш ишлари”.**

*Бошланғич нархи **156 988 711 сўм ҚҚС билан; 130 823 926 сўм ҚҚСсиз.***

**ЛОТ 2.6. «Фарғона вилояти Бувайда тумани Бувайда ҚФЙ Озод қишлоғида қурилаётган 40 уй-жойларга ички сув тармоқлари тортиш ишлари”.**

*Бошланғич нархи **166 913 294 сўм ҚҚС билан; 139 094 412 сўм ҚҚСсиз.***

*Муддати: 01.07.2014 йил.*

**3. ЛОТ 3**

**ЛОТ 3.1. «Фарғона вилояти Данғара тумани Санам КФЙ Катта Оқтепа қишлоғини 20 намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш”.**

*Бошланғич нархи **137 336 018 сўм ҚҚС билан, 114 446 682 сўм ҚҚСсиз.***

**ЛОТ 3.2. «Фарғона вилояти Риштон тумани Ўйрат ҚФЙ Пандигон қишлоғида қурилаётган 40 та уй-жойларга ички сув тармоқлари тортиш ишлари”.**

*Бошланғич нархи **147 077 720 сўм ҚҚС билан; 122 564 767 сўм ҚҚСсиз.***

**ЛОТ 3.3. «Фарғона вилояти Фурқат тумани Навбаҳор ҚФЙ Чиркай қишлоғида қурилаётган 30 та уй-жойларга ички сув тармоқлари тортиш ишлари”.**

*Бошланғич нархи **161 961 083 сўм ҚҚС билан; 134 967 569 сўм ҚҚСсиз.***

**ЛОТ 3.4. «Фарғона вилояти Фарғона тумани Чекшўра ҚФЙ Т.Шодиева қишлоғидаги 110 намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш”.**

*Бошланғич нархи **129 339 646 сўм ҚҚС билан; 107 783 038 сўм ҚҚСсиз.***

**ЛОТ 3.5. «Фарғона вилояти Учкўприк тумани Сариққўрғон ҚФЙ Мўллазоир қишлоғидаги 20 намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш”.**

*Бошланғич нархи **143 327 541 сўм ҚҚС билан; 119 439 618 сўм ҚҚСсиз.***

**ЛОТ 3.6. «Фарғона вилояти Тошлоқ тумани Ахшак ҚФЙ Сирлимасжид маҳалласида 25 намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш”.**

*Бошланғич нархи **155 856 538 сўм ҚҚС билан; 129 880 448 сўм ҚҚСсиз.***

*Муддати: 01.07.2014 йил.*

**4. ЛОТ-3**

**ЛОТ 3-1 «Фарғона вилояти, Марғилон шаҳридаги 30-сонли мактабини мукаммал реконструкция ишлари» (140 ўринли ўқув блоки қурилиши ва мавжуд 360 ўринли ўқув блокини мукаммал таъмирлаш).**

*Бошланғич нархи — **820 773 083 сўм ҚҚСсиз** ва **984 927 700 ҚҚС билан.***

**ЛОТ 3-2 «Фарғона вилояти, Бешариқ тумани Янгиқишлоқ қишлоғидаги 42-сонли мактабини мукаммал реконструкция ишлари» (300 ўринли ТП 224-6-51с.04 қўшимча ўқув блоки қурилиши билан).**

*Бошланғич нархи — **663 696 583 сўм ҚҚСсиз** ва **796 435 900 ҚҚС билан.***

*Муддати — 1.08.2014 й.*

**Қурилиш-таъмирлаш ишлари: Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини таъминлаш, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

**5. ЛОТ 7**

**ЛОТ 7.1. «Фарғона вилояти Қўштепа тумани ҚФЙ Халқабод Олмазор қишлоғидаги 25-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш”.**

*Бошланғич нархи **225 677 057 сўм ҚҚС билан; 188 064 214 сўм ҚҚСсиз.***

**ЛОТ 7.2. «Фарғона вилояти Данғара тумани Найманча қишлоғидаги 85-сонли мактаб-интернатни мукаммал таъмирлаш”.**

*Бошланғич нархи **733 373 500 сўм ҚҚС билан; 611 144 583 сўм ҚҚСсиз.***

*Муддати — 1.08.2014 йил.*

***Кичик бизнес субъектлари учун квота — 100%.***

**Қурилиш-монтаж ишлари:** *Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларни таъминлаш, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.*

**6. «Фарғона вилояти Бувайда тумани Янгиқўрғон қишлоғидаги 17-сонли мусиқа мактабини реконструкция ишлари»**

*Муддати — 20.08.2014 йил.*

*Бошланғич нархи **2 120 591 056 сўм ҚҚС билан; 1 767 159 213 сўм ҚҚСсиз.***

**Қурилиш ишлари:** *Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.*

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн. сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади. 500 млн. сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй, тел.(факс): (373) 400-52-80.**

*Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:* ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: **Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уй.**

**Телефон/факс: (373)244-55-32, 98-276-25-48.**

***Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.***

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда офертларни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин ***Фарғона шаҳар, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уйда ўтказилади.***

Reklama

O‘ZSANOATQURILISHBANK

➢ **Молия муассасаларида**

*Обод турмушимизнинг янада фаровон ва гўзал бўлиши учун давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилаётгани, бунинг учун барча имкониятлар ишга солинаётгани ҳар биримизнинг кўнглимизни тоғдек кўтаради, эртанги кунга ишончимизни янада мустаҳкамлайди. Кўнглимизни обод этади. Кўнгли обод инсоннинг оиласи, турмуши обод бўлади. Оила мустаҳкам, обод экан, жамият равнақ топади, юрт иқтисодиёти юксалади.*

# Фаровон ва гўзал турмуш асоси

Таъкидлаш жоизки, бу жараёнда молия муассасаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бўлмоқда. Хусусан, “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ томонидан “Обод турмуш йили” Давлат дастури асосида амалга оширилган ишлар таҳлилида ҳам буни яққол кўриш мумкин.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида амалга оширилаётган ишларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан 2013 йил мобайнида 493,9 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Мазкур сармоялар ҳисобига салкам 11791 та янги иш ўрни яратилди. Бу 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар кўпдир.

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш, оила, оналик ва болалик манфаатларини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётир. Жумладан, иқтисодий ислоҳотларда фаол иштирок этишни мақсад қилган хотин-қизларни молиявий қўллаб-қувватлаш ўз самарасини бермоқда. “Обод турмуш йили”да бу тадбирларнинг кенг кўлам касб этилишига алоҳида эътибор қаратилди. Банк томонидан 2013 йилда аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга 29,5 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратиш прогнози белгиланган бўлиб, бу эса ундан аввалги йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 бароборга ошган миқдорда, яъни 30,2 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилганидан далолатдир.

Аҳоли турмуш даражасининг ошиб бориши, ўз навбатида, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантиришни тақозо этади. Тадбиркорларнинг бу борадаги истиқболли лойиҳалари молия муассасаси томонидан молиялаштирилиб борилмоқда. Натижада юртимизнинг барча ҳудудларида банк сармояси эвазига бунёд бўлган маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари юзага келмоқда. Қолаверса, аҳолига кўрсатилаётган маиший хизмат даражаси ва сифати ошиб бормоқда.

Ободликнинг яна бир омили бўлган бу жиҳатга 2013 йилда янада кўпроқ эътибор қаратилди. Буни рақамларда ифода этамиз: банк томонидан ўтган йилнинг 11 ойлик ҳолатига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси учун 42,2 миллиард сўмлик сармоя йўналтирилган. Бу 2012 йилдаги шу даврга нисбатан 1,4 баробар кўпдир.

Банк томонидан амалга оширилаётган ишларда ёшларни, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг мустақил ҳаётга дадил кириб боришига кўмаклашиш устувор аҳамият касб этаётир. Банк ўзининг фаолияти давомида меҳнат бозорига кириб келаётган ёш тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Натижада жойларда айнан ёшлар раҳбарлик қилаётган юзлаб корхона ва фирмалар ташкил этилиб, уларда тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозоримизни тўлдиришга хизмат қиляпти. Энг муҳими, ёш тадбиркорлар ўз ёнига тенгдошларини чорлаб, уларнинг ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқаришига кўмаклашмоқдалар. Банк шу мақсадда 2014 йил 1 январь ҳолатига қадар ундан аввалги йилнинг шу даврига нисбатан 3 баробар кўп, яъни 5,6 миллиард сўм миқдорида кредит маблағларини ажратди.

Мазкур ишларни яқинда ўтказилган ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг “Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам” шиори остидаги кўргазма мисолида ҳам кўриш мумкин бўлди.

Кўргазмада “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ ходимлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, ҳунармандларга, фермерларга ва бошқа кўргазма қатнашчиларига банк фаолияти юзасидан саволлар бўйича маслаҳатлар, тушунтиришлар берилди. Ёш тадбиркорлар билан амалий мулоқотлар, бизнес юритишнинг йўналишлари ва услублари борасида фикр алмашилди.

Кўргазма доирасида банк мижозлари бўлган 10 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчиси ва оилавий тадбиркорлик субъектига имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи махсус сертификатлар тақдим этилди.

Президентимиз раҳнамолигида аҳоли фаровонлигини янада ошириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Мамлакатимизда жамиятнинг асосий бўғини бўлган оилани мустаҳкамлаш, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу жараёнда банкнинг мижозларга таклиф этаётган хизматлари оила учун ҳар томонлама қулайликлар, имкониятлар яратиш, оилалардаги фарзандларнинг замонавий, илғор кишилар бўлиб улғайишларига кўмаклашиш, оила даромадларининг кўпайишига хизмат қилмоқда. Шуниси аҳамиятлики, кам фоизли кредитлар қулайлиги билан ажралиб туради. Шу боис, банк сармоялари юртимиздаги кўплаб кичик бизнес вакилларига, айниқса, оилавий тадбиркорларга кўмак бўлмоқда. Банк шу мақсадда йўналтирилаётган сармоялари миқдорини ўтган йилдагига нисбатан икки баравар оширган ҳолда, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига 6,5 миллиард сўм миқдорида кредит маблағларини ажратди.

Банк томонидан аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш, аҳоли даромад манбаларининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида янги ташкил этиладиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бошланғич сармоя учун микрокредитлар ажратиш, фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларига тадбиркорликни ривожлантириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун микрокредитлар ажратиш ва уларга лизинг хизматлари кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида изланишлар олиб борилаётир.

**Банк матбуот хизмати**

*Мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!*

# РАДИОАЛОҚА, РАДИОЭШИТТИРИШ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ МАРКАЗИ ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ АНДИЖОН РАДИОТЕЛЕУЗАТИШ МАРКАЗИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи:

**««Қўқон» РТС ҳудуди хавфсизлигини таъминлаш»**

*Муддати* — **10 ой;**

*Бошланғич нархи* — **489 815 801 сўм ҚҚС билан; 408 179 834 сўм ҚҚС сиз.**

*Манзил:* **Андижон шаҳар, Майбоғча кўчаси 19, тел.(374) 227-66-94 (факс).(374) 227-64-62**

*Қурилиш ишлари:* **Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази Давлат унитар корхонасининг шахсий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

***Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:*** ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

**Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уй, телефон/факс: (373)244-55-32.**

***Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.***

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда офертaларни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин *Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уй* манзилда ўтказилади.

*Мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари, кичик бизнес субъектлари диққатига!*

# ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объектлар номи:

**1. “Фарғона вилояти Фарғона шаҳар ногиронлар учун минтақавий реабилитация маркази ҳудудидаги 50 ўринли даволаш корпус биносини реконструкция қилиш ишлари”**

*Бошланғич нархи* **2 740 097 193 сўм ҚҚС билан; 2 283 414 328 сўм ҚҚСсиз.**

*Муддати — 1.08.2014 йил.*

***Қурилиш-монтаж ишлари:*** *Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.*

**2. “Фарғона вилояти Тошлоқ тумани, Варзак ҚФЙ, Бўстонобод қишлоғидаги 35-сонли мактаб ҳудудида 9x18 метр ўлчамли спортзал қурилиши”**

*Бошланғич нархи* **317 783 300 сўм ҚҚС билан; 264 819 416 сўм ҚҚСсиз.**

*Муддати* — **10.08.2014 йил**

*Буюртмачи:* **“Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси.**

*Манзил:* **Фарғона шаҳар Темирйўлчилар кўчаси 37-уй, тел.: (8-373) 244-24-33, (8-595) 400-52-80.**

***Қурилиш-монтаж ишлари:*** *Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.*

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн. сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади. 500 млн. сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

***Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:*** ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

***Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уй, телефон/факс: 373-244-55-32.***

***Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.***

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин ***Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уй*** манзилда ўтказилади.



*Соғлиқни сақлаш соҳасида дунёдаги етакчи мамлакатлар сафидан мустаҳкам жой олаётган Ўзбекистон фармацевтика йўналишида ҳам улкан ютуқларни қўлга киритмоқда, мамлакатимизда дори-дармон бозори изчил ривожланмоқда.*

**Суратда:** ишчилар Барно Дониёрова ва Жамшид Маматкаримов.

**А.ЁҚУБОВ** (ЎзА) олган сурат

ADOLAT
№ 1 (962) 2014-yil
10-yanvar, juma

# Ҳилол НАСИМОВ: «Ватанни ҳимоя қилиш — энг олий бурч»

Давоми. Боши 1-бетда

**— Ҳилол ака, аввaламбор сизни кириб келган Янги йил байрами билан ҳамда мазкур айём арафасида ўтказилган "Эътироф-2013" танловида — "Энг яхши кинорежиссёр" номинациясида ғолиб бўлганингиз билан таҳририятимиз жамоаси номидан чин қалбдан табриклашга рухсат берсангиз. Халқимизнинг маънавий-маданий савиясини янада бойитиш йўлида қилган хизматларингиз учун берилган бундай мукофот сизга янада куч-ғайрат, илҳом бағишлаши шубҳасиз, албатта.**

— Раҳмат. Кино, режиссура санъатида қилаётган камтарона хизматимизни шу қадар юксак даражада баҳолашгани, эътироф этишгани биз, ижодкорларга куч-ғайрат, илҳом бағишлаши билан бир пайтда ўзига яраша катта масъулият ҳам юклайди. Бу нуфузли мукофотни, яъни халқимизнинг эътибори, ишончини оқлаш учун бундан-да сермаҳсул ижод қилишимиз, тинимсиз ўз устимизда ишлашимиз талаб этилади. Фахр билан тан олишимиз лозим, мамлакатимизда мустақиллик йилларида маданият, санъат, бадиий ижод, журналистика ва спорт соҳаларига катта эътибор қаратилмоқда. Бундай эътибор эса ўз навбатида мазкур соҳа вакилларининг ёшларни она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга, миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдиришга, уларнинг маънавий ва маданий савиясини юксалтиришга қўшадиган ҳиссасини янада оширишга замин яратади.

"Эътироф-2013" танлови йил якунида бўлиб ўтганининг ҳам ўзига хос мазмун ва моҳияти бор, фикримча. Зеро, ҳар бир инсон, жумладан, ижод аҳли йил охирида ўтган ойлар мобайнидаги фаолиятини сарҳисоб қилади, ўзига ўзи ҳисоб беради. 2013 йил шахсан мен учун ижодий сермаҳсул ва омадли йил бўлди, деб айта оламан. Йил мобайнида "Одноклассники.ру" ва "Қора қузғун" деб аталган фильмларимни томошабинлар эътиборига ҳавола эта олдим. Ҳар иккала фильмга ўзим сценарий ёздим, биттасида бош роллардан бирини ижро этдим.

Кўплаб асл томошабинлар кўча-кўйда юрганимда, ҳатто атайин излаб келишиб, ушбу фильмлар ёки "Тубанлик", "Алданган аёл" учун чин дилдан ташаккурлар билдиришганида, рости, ҳаяжонланиб, тўлқинланиб, руҳланиб кетаман, қилаётган ишларимдан мамнунлик туяман. Айнан 2013 йилда Анапада бўлиб ўтган Ҳамдўстлик давлатларининг XXII очиқ кинофестивалида "Тубанлик" фильми иккинчи ўринни эгаллагани ҳам мен ва мазкур кинокартина устида биргаликда меҳнат қилган ҳамкасбларим учун том маънода қувончли ҳодиса бўлди.

Албатта, эришилган ютуқлар билан чегараланиб қоладиган ижодкор ҳақиқий ижодкор эмас. Ўзим айни кунларда янги ўткир сюжетли бадиий фильм сценарийси устида ишлаяпман, яна бир қанча ғояларимни қоғозга тушириб қўйишга ҳаракат қилмоқдаман.

Алоҳида таъкидлаб ўтишим керакки, юртимизда кино санъатининг тобора ривожланиб бораётганлигида "Ўзбеккино" миллий агентлигининг алоҳида ҳиссаси бор. Жумладан, айрим фильмларнинг сюжети ва композицияси, манзараси янада бой бўлишига эришиш, кўп сонли томошабинлар эътиборини қозониш учун биз киноижодкорларга суратга олиш ишлари хорижий давлатларда амалга оширилишига шароит яратиб берилмоқда. Шунингдек, айнан агентлик ташаббуси ва моддий қўллаб-қувватлаши билан студияларимизга жаҳон кино соҳасида кенг қўлланилаётган энг сўнгги русумдаги техника-ускуналарнинг, инновацион технологияларнинг келтирилаётганлиги ўзбек миллий кино санъати даражаси яна бир поғонага кўтарилишига олиб келиши муқаррар. Баъзан хусусий киностудияларда тасвирга олинаётган савияси паст, бачкана, миллий менталитетимизга хос бўлмаган, ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатадиган тижорат фильмлари юзасидан агентлигимиз ташаббуси билан мутахассислар, санъат арбоблари, кенг жамоатчилик, журналистлар иштирокида қизғин баҳс-мунозараларга бой давра суҳбатлари ўтказилди. Натижада сўнгги пайтларда сифатсиз фильмларнинг сони камайиб бораётгани қувонарли ҳолдир.



**— 2010 йил Москвада ўтказилган «ДетективФест» халқаро кинофестивалида дунёнинг 400 дан ортиқ режиссёрлари орасидан сизнинг "Таҳдид" фильмингиз ғолиб деб топилди. Картинада бузғунчи, террорчиларга қарши мардонавор курашган ҳарбийлар, Ватан ҳимоячилари ҳаёти, уларнинг жасорати кўрсатилган. Айнан мазкур фильм ҳайъат аъзоларини нимаси билан ўзига жалб эта олди, деб ўйлайсиз?**

— Халқимиз доимо ўзининг мард, жасур йигитлари билан фахрланиб келган. "Йигит омон бўлса, қўрғон саломат", деган нақл бежиз айтилмаган. Йигитларимиз учун ота-она ва оиласини, ўзи яшаётган Ватанини муқаддас билиб, юрт ҳимояси учун доимо шай туриш бурч ҳисобланади. Шу боис азалдан оилаларда ўғил болалар тарбиясига алоҳида эътибор берилган, уларни мустаҳкам иродали, қатъиятли, юрт иши учун фидойи инсонлар қилиб тарбиялашга ҳаракат қилишган.

"Таҳдид" фильмида ҳам айнан юрт тинчлиги, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш йўлида кечани кеча, кундузни кундуз демай, ўз ҳаёти ва умрини қурбон қилишга ҳам тайёр Ватан ҳимоячиларининг жасорати, матонати акс эттирилган. Маълумки, фильм янада ишончли чиқиши учун суратга олиш ишларидан аввал соҳа мутахассислари билан суҳбатлашилади, уларнинг меҳнат фаолияти, ишлаш ва яшаш шароити ўрганилади. Биз мавзуни ўрганиш ва фильмни суратга олиш жараёнида юртимизда тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукаммал, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга миллий армиямиз барпо этилганлигига ишонч ҳосил қилдик. Соҳадаги ислоҳотлар натижасида аскарларимизнинг ҳарбий тайёргарлиги ва жанговар қобилияти муттасил ошиб бормоқда. Ахир ҳар бир фуқаро учун Ватанни ҳимоя қилишдан юксакроқ ва олийроқ бурч борми?..

Шу билан бирга, тажрибасизлик, билимсизлик оқибатида терроризм аталмиш иллатга аралашиб қолган айрим маънавий иммунитети паст ёшларнинг тақдири аянчли якун топиши картинада кўрсатиб ўтилган. Картинада "Хўш, адашганлар қисмати учун ким жавобгар?" деган савол кўндаланг қўйилган. Балки шу боис фильм фестиваль иштирокчиларида қизиқиш уйғотган бўлса ажаб эмас.

Айни кунларда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб жойларда, олийгоҳ, муассаса, идораларда ўтказилаётган давра суҳбатлари, учрашувларда "Таҳдид" фильми ҳақида илиқ гапларни эшитиб, жуда мамнун бўлмоқдаман. Ахир, томошабиннинг самимий эътирофи ижодкор учун катта мукофот.

**— Ғафур Ғуломнинг машҳур "Ёдгор" қиссаси асосида сиз суратга олган телефильм қисқа муддат ичида тилга тушди, миллионлаб томошабинларнинг меҳрини қозонди. Ҳолбуки, адашмасам, бу сизнинг дебют ишингиз эди. Нима учун айнан шу қиссани экранга кўчиришга жазм қилган эдингиз?**

— "Ёдгор" қиссасини мутолаа қилганимда уруш оқибатлари бир неча оила тақдири мисолида кўрсатилгани, шу билан бирга Жўра образи тимсолида асл ўзбек йигитларига хос жўмардлик, бир сўзлилик фазилатлари акс эттирилганини англаб етгандай бўлдим. Жўра бегона аёлнинг дабдурустдан "Холис хизмат қилиб ўрганганмисиз?" деган саволига "Йигит кишининг кучи ҳалол. Ҳалигача холисдан бошқа хизмат қилган эмасмиз", дея жавоб қайтарганини эсланг. Лафзи ҳалоллиги туфайли ҳали оила қурмаган йигит гап-сўзларга эътибор бермай, бегона аёл қўлига тутқазган гўдакни ўз қарамоғига олади, тарбиялайди. Бу билан ҳам кифояланмасдан, қаллиғи Саодатда шу болакайга нисбатан меҳр уйғотади. Бу образни талқин этган марҳум актёр Алишер Ҳамроевнинг ўзига хос иқтидори фильмга янаям ўзгача жозиба бағишлаган. Хуллас, "Ёдгор" қиссасида акс эттирилган ғоя бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган, десам адашмайман.

Бугунги замонамиз қаҳрамонларини "Фақат ғалаба" фильмида кўрсатишга ҳаракат қилганмиз. Эсимда, премьерадан сўнг "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида бир журналист қизимиз бу картинага қадар футболга қизиқмаганлиги, аммо фильмдан сўнг миллат орияти, ғурури учун тўп сураётган футболчиларга ҳурмати, футболга меҳри ортганлигини баён қилганди.

**— Бугун кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар ўртасида ижтимоий тармоқ, интернетнинг ўрни катта. Сўнгги пайтларда интернетнинг нафи, фойдаси билан бир пайтда зиёни ҳақида ҳам кўп гапирилмоқда. Сиз суратга олган "Одноклассники.ру" фильмида шу мавзу кўтарилган.**

— Фильмда баъзи ёшларнинг ана шундай ижтимоий тармоқлардан бири орқали ўзлари истамаган ҳолда яширин жиноий гуруҳларнинг қўлида қўғирчоққа айланиши ва бунинг аянчли оқибатлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Маълумки, бугун бутун дунёда ахборот хуружи, мафкуравий ва ғоявий курашлар кетаяпти. Шу боис барчамиз ҳали етук шахс сифатида тўлиқ шаклланишга улгурмаган ёшларимизни четдан кириб келадиган бўлар-бўлмас ахборотларга ишониб, уларни тарқатаётган кимсаларга кўр-кўрона эргашиб кетмасликларига, яъни улардаги мафкуравий иммунитетни кучайтиришга эришишимиз зарур. Бунинг учун нафақат ота-она, таълим-тарбия берувчи устоз-муаллимлар, балки мустаҳкам фуқаролик позициясига эга барчамиз масъул бўлишимиз лозим. Демак энг аввало, фарзандларимизни китоб мутолаасига ўргатишимиз, тўғри тарбия беришимиз, дунёқарашини бойитишимиз талаб этилади.

**— Маълумки, биз ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораяпмиз. Бунда шубҳасиз фуқароларни ўз ортидан эргаштира оладиган сиёсий партиялар муҳим роль ўйнайди. Сизнинг мамлакатимиздаги сиёсий партияларга муносабатингиз қандай?**

— Шу мамлакатнинг оддий бир фуқароси сифатида мамлакатимиздаги сиёсий жараёнларни мунтазам кузатиб бораман. Чунки ҳар бир инсон ўзининг тақдирига дахлдор қабул қилинаётган қарор ва қонунлардан хабардор бўлиши лозим.

Юртбошимиз томонидан сиёсий партиялар ривожига катта эътибор қаратилаяпти. Ўйлашимча, бу бежиз эмас. Кучли партиялар кучли давлатни шакллантирадилар. Тўғриси, яқинда "Адолат" партиясининг дастури шу партиянинг аъзоси бўлган танишим орқали қўлимга тушиб қолди. Партиянинг ижтимоий адолат, қонун устуворлигига асосланган, барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлган ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ғояси менга маъқул тушди. Чунки ҳаётда барча инсонлар адолат деб яшайди, адолат учун курашади.

**— Газетамиз ўқувчиларига тилакларингиз.**

— Юртимизда тинчлик-хотиржамлик ҳукм сураверсин, Ватанимиздаги барча хонадонларда соғлом болалар кулгуси янграйверсин, яхши фильмлар ва, табиийки, киномухлисларимиз сони кўпаяверсин.

Суҳбатдош:
**Саодат СОДИҚОВА,**
«Adolat» мухбири




## «Соғлом бола йили»нинг илк фарзандлари

**2014 йил — Соғлом бола йили**

*Янги йилнинг республикамизда "Соғлом бола йили" дея номланиши баркамол авлод тарбиясига бўлган эътиборни янада оширди. Айниқса, дунёга янги келган гўдаклар ва уларнинг оналарига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётгани янада қувонарли.*



"Соғлом бола йили"нинг биринчи чақалоқлари сифатида дунёга келган болалар ва уларнинг оилаларини бахтли инсонлар, дея аташ мумкин. Бундай бахтга эришган ота-оналарнинг қайси бири билан суҳбатлашманг, қувончини яшира олмайди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилояти кенгашининг фаол аъзолари меҳнат қилаётган Андижон вилоят перинатал марказида ҳам янги йил оқшомида 29 нафар чақалоқ туғилди. Уларнинг 13 нафари ўғил, 16 нафари қиз бола бўлиб, гўдакларнинг барчаси соғлом ўсмоқда.

— Менинг иккинчи фарзандим тунги соат 12 дан сўнг туғилди, — дейди асакалик Рукияхон Ашурова. — Шифокорларнинг меҳрибонлиги, бу ердаги шароит ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди. Бунинг учун давлатимизга миннатдорчилик билдирамиз. Фарзандларимиз мана шундай ғамхўрликлар остида соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб улғайса, эртанги кунимиз янада фаровон бўлади.

Ана шундай хурсандчилик ва яхши тилаклар билан бошланган йилимиз хайрли бўлсин.

**А.НАЗАРОВ**

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета
**Муассис:** Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Таҳрир ҳайъати:** Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Алишер МЎМИНОВ.

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:** Абдували САЙБНАЗАРОВ

**Бўлимлар:** Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — ***288-46-54*** (149);
Ахборот, маънавият, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — ***288-46-64*** (146);
Қабулхона — ***288-42-23***; ***288-46-64*** (141) факс; Котибият — ***288-46-64*** (144).

**Навбатчи муҳаррир** — Қ.Қўлдошев. **Навбатчи** — Ғ.Хидиров.

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*
**info@adolatgzt.uz**
**adolat_gazeta@mail.ru**

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100**

ISSN 2091-5217

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г—100 Ҳажми — 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 10840
Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди — 23.00
1 2 3 . 5